ГАП ЎЛСИН...

Хуллас, ўша куни яна жанжал қўпти. Икки аёлни қўни-қўшнилар ҳам тинчлантира олмади. Иш судгача бориб тақалди. Ақли расо қўшнилар "уят-э", дейишса, миш-мишга маҳси кийгизганлар томошадан бир қоп семиришди.

8 бет

НАДОМАТ

Аммо, бу хотиржамлик узоққа чўзилмади. Бир маҳал яна тўполон бошланди. Бу сафар Ботир ўртага тушишга улгурмай, икки қондош бир-бирини ура кетди. Орада Нодир акасига мушт тушириб, кейин калла ҳам қўйиб қолди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 23-avgust, №34 (815)



Ифтихор

Жараён

Тадбиркорлар манфаатлари йўлида

Мустақиллик йилларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи миллий қонунчилик базасининг яратилиши ва давр талабига мос равишда босқичма-босқич такомиллаштириб борилиши бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида шаффофликни таъминлади. Бугун хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, тадбиркорлар манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар эса уларнинг мунтазам фаолият юритишини таъминлаб келмоқда.

Ана шу ислоҳотлар бардавомлилигини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоят прокуратураси органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилган. Бу борада, хўжалик судида кўрилган ишлар юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонунийлиги мунтазам равишда ўрганилиб, асоссиз суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш ҳақида протестлар киритиш орқали қонунийликни таъминлашга эришилмоқда. Мисол учун, Яккабоғ туман Давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Чойдори" хусусий корхонасига нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда молиявий жарима қўллашни сўрайди. Биринчи инстанция судининг 2010 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан жавобгарга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан, яъни 1 млн. 356 минг 450 сўм молиявий жарима қўлланилади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ҳамда туман Давлат солиқ инспекциясининг 2009 йил 29 декабрдаги буйруғига асосан жавобгарга тегишли дорихонада қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда дорихона сотувчиси А.Худайбердиев сотилган дори учун харидорга назорат-касса машинаси чеки бермаганлиги, яъни чек бермасдан савдо фаолиятини амалга оширганлиги, текшириш кунида савдо шохобчаси хазинасида 52 минг 300 сўм савдо пули мавжудлиги аниқланган ва мазкур ҳолатлар бўйича далолатнома тузилган.

Солиқ кодексининг 119-моддаси биринчи қисмига кўра, фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлган ҳолда, уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизмат кўрсатганлик, шунингдек, сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик — энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

/Давоми 3-бетда/

Қонунлари мустаҳкам юрт

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани сингари Жиззах вилоятида ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда "Такдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Бунда мустақиллигимизнинг маъно-мазмуни, қадр-қимматини, юртимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларни эркин ҳаёт қуриш йўлида бирлаштирадиган, эзгу ишларга сафарбар этадиган буюк ҳаётбахш куч — истиқлол эканини очиб беришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шубҳасиз, ўтган йиллар мустақил Ўзбекистон учун улкан ўзгаришлар даври бўлди. Истиқлол фарзандлари бугун балоғатга етиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлмоқда. Ўтган йилларда юртимиз ҳам ҳар томонлама вояга етиб, дунё давлатлари ичида алоҳида ўрнига, обрў ва салоҳиятга эришди, қудратли ва шавкатли давлат сифатида шаклланди. Жамиятнинг барча соҳаларида Ватан равнақи йўлида қилинган фидокорона меҳнат натижаси ўлароқ буюк муваффақиятларга эришилди. Бу борада прокуратура органларининг ҳам хизмати катта бўлди, десак янглишмаймиз.

Жиззах вилоят прокуратураси органлари назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги, суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни жадаллаштиришга доир қонунлар, Республика Президенти Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросининг таъминланишига қаратди. Мазкур соҳаларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари прокурор назорати ҳужжатлари киритиш орқали бартараф қилиниб, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан қатъий чоралар кўриб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида турли соҳаларда ўтказилган 1129 та текшириш натижаларига кўра 11251 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Мансабдор шахсларнинг 908 та ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатлари прокурор протестлари асосида бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари 1238 та тақдимнома орқали бартараф қилинди. Текшириш натижаларига кўра, 4498 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 146 та жиноят ишлари қўзғатилиб, етказилган моддий зарарнинг 138,2 млн. сўми айбдор шахслар томонидан ихтиёрий тўланиши таъминланди. Келгусида қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2628 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди ва 1084 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Ўтказилган 265 та текширишда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан жами 4184 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 457 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бандлик дастури асосида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 22904 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига умумий дебитор қарздорлик 342,6 млрд. сўмни, шундан муддати ўтгани 4,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан дебитор қарздорлик 3,2 млрд. сўмга, муддати ўтгани 1 млрд. сўмга камайишига эришилди. Умумий кредитор қарздорлик 394,4 млрд. сўмни, муддати ўтгани 6,1 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда йил бошига нисбатан кредитор қарздорлик 35,1 млрд. сўмга, муддати ўтганлари эса 2,1 млрд. сўмга камайган.

/Давоми 4-бетда/

Жараён

Эл осойишталиги қонун муҳофазасида

Ўзининг 21 йиллигини нишонлаётган мустақиллигимиз шарофати билангина мамлакатимизда бозор иқтисодиёти инфраструктурасига ва демократик тамойилларга мос, умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган, халқимизнинг бир неча минг йиллик миллий қадриятлари асосида шаклланган янгича ҳуқуқий мезон яратилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган бундай кенг қамровли ислоҳотлар тараққий этган хорижий давлатларнинг кенг жамоатчилиги, экспертлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, жиноий-ҳуқуқий санкцияларнинг юмшатилиши, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига бошқа муқобил жазолар қўллашни кенгайтириш орқали шахс эрки ва ҳуқуқлари таъминланиши, ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг амалга киритилгани ва бошқа шу каби инсонпарварлик сиёсатини ўзида мужассамлаган ислоҳотлар фуқаролар онгида жазонинг оғирлигидан қўрқиш эмас, балки жиноят учун жазонинг муқаррарлигини англаши орқали қонунга ҳурмат билан қараш тушунчасини шакллантирди. Бу эса ўз навбатида, жиноятчиликнинг камайишига хизмат қилувчи асосий омиллардан биридир.

Буни кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳудудда ижтимоий-сиёсий ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш чоралари кўриб келингани, қонунлар ижросини, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ тарғиботи ва тушунтириш ишларини кучайтириш борасида амалга оширилган доимий тадбирлар самараси ўлароқ, жиноятларнинг умумий сони сўнгги йилларда вилоятда тобора камайиб бормоқда. Айниқса, ўта оғир жиноятлар 9,9 фоизга, номусга тегиш 35,7 фоизга, ўғирлик 11,8 фоизга, жиноятлар содир этилишида вояга етмаганларнинг иштироки 3,1 фоизга, муқаддам судланганларнинг иштироки 1,6 фоизга, шунингдек, ишламаган ва ўқимаганларнинг иштироки ҳамда жамоат жойларида содир қилинган жиноятлар сезиларли даражада камайгани вазиятнинг барқарорлигига хизмат қилмоқда.

Биргаликда амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, жорий йилда содир этилган жиноятларнинг 93 фоизи, оғир ва ўта оғир жиноятлар, хусусан, инсонни ҳаётдан ва яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилувчи энг оғир жиноят ҳисобланган қотиллик жиноятларининг барчаси фош қилинди.

/Давоми 3-бетда/

Йўлидан адашган «тадбиркор»

Юртимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб борилмоқда. Муҳтарам Президентимиз бошчилигида тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбикорликни жадал ривожлантириш учун барча қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

М.МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

Бугунги кунга келиб бу ислоҳотлар элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, халқ фаровонлиги ва Ватан равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган минглаб тадбиркорларимиз учун янада кенгроқ имкониятлар эшигини очди. Имтиёз ва имкониятлардан тўғри фойдаланиб, фаолиятини бундан-да ривожлантиришни кўзлаётган, мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги йўлида изланаётган ишбилармонларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Бироқ тадбиркорлик ҳам қонунга таянишини унутиб қўйган, турли йўллар билан мол-дунёси сабаб босар-тусарини йўқотиб қўйиб, йўлидан адашган, тадбиркор номига номуносиб кимсалар ҳам учраб турибди.

1969 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган Н.Қурбонов тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланa бошлаганига анча йиллар бўлган. Шу боис у ўзини анча тажрибали ишбилармонлардан бири санар эди. Дастлаб у Яккабоғда қишлоқ хўжалиги, хусусан чорвачилик соҳасида ўз омадини синаб кўради. Аммо кўп ўтмай бу ишлардан келаётган даромаддан кўнгли тўлмай савдосотиқ билан шуғулланишга қарор қилади. 2004 йилда Н.Қурбонов шу мақсадда Яккабоғ туман ҳокимиятидан "Экспорт-импорт операциялари билан чакана савдо" фаолият тури билан шуғулланиш учун якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, кейинчалик, яъни 2006 йил ва 2011 йилда Яккабоғ туман ДСИдан "Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор ва импорт операцияларининг субъекти" сифатида рўйхатдан ўтади.

Тадбиркорлик фаолиятини Тошкент шаҳрида юритишни мақсад қилган Н.Қурбонов 2007 йилда пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган "Ўрикзор ихтисослаштирилган бозори" МЧЖ ҳудудидан савдо дўконини ижарага олади.

Шундан кейин Н.Қурбонов ушбу дўконда ноқонуний йўллар билан республикамизга олиб келинган сантехника моллари харидорларга сота бошлайди. Бу "иш"нинг паст-баландини билиб олганидан кейин бевосита ўзи боҳжона назоратини четлаб ўтиш орқали Хитойдан товар олиб келиш ва уларни сотиш билан шуғулланишга киришади.

Ноқонуний фаолияти ортидан даромади ортиб бораётган Н.Қурбоновга энди биргина дўкон кифоя қилмай қолади. У яна шундай дўконлардан 5 тасини ижарага олади ва уларда айланма йўллар орқали республикамизга олиб кирилган сантехника моллари билан савдо қилишни амалга ошириш учун сотувчиларни ёллайди.

Шу тариқа Н.Қурбонов 2007-2011 йиллар давомида юридик шахс сифатида тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, импорт қилинган сантехника молларининг чакана савдосини амалга ошириш учун ишчилар ёллаб, уларга иш ҳақи тўлаб келгани ҳолда, бюджетга 91 млн. сўмликдан зиёд солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Н.Қурбонов "Ўрикзор ихтисослаштирилган бозори" МЧЖ ҳудудида ижарага олган дўконларида чакана савдо билан шуғулланиб келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги "Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1504-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли Қарори талабларига хилоф равишда 2010-2011 йиллар давомида 1 млрд. 711 млн. 940 минг 420 сўмлик савдодан тушган нақд пулларни назорат касса машинасидан ўтказмаган ва банкка инкассация қилмаган.

Ана шундай мўмай даромаддан кун сайин нафси ҳакалак отаётган Н.Қурбонов бора-бора ноқонуний товар олиб киришни бутунлай касб қилиб олган. Келтирилган товарлар учун бир неча контейнер, ўзи яшаб келган уй ертўласи ҳам камлик қилганидан, ана шундай контрабанда молларини қўшниларининг ертўлаларида ҳам сақлаб келган.

Ноқонуний, мўмай пул инсонни ҳар қўйга солар экан. Босар-тусарини йўқотган "тадбиркор" Н.Қурбонов энди ўзини Президент Фармонига асосан "Жасорат" медали билан тақдирланган шахс сифатида кўришни истаб қолади. Шу мақсадда у ана шундай мукофот билан тақдирланган ҳақида қалбаки гувоҳнома қилиб олади.

Унинг жорий йил бошида, аниқроғи, 12 январда содир этган қилмиши ҳам ҳеч бир қолипга сиғмайди. Ўзини ҳар ишга қодир деб ҳисоблай бошлаган Н.Қурбонов бир неча йил олдин унга сотувчи сифатида ёлланган Б.Аҳмедовни ўғирликда айблаб, тазйиқ ўтказа бошлайди ва 100 млн. сўм қарздорлиги ҳақида тилхат ёздириб олади. Кейин эса ана шу тилхатни рўкач қилиб, Б.Аҳмедовдан ушбу қарзни тўлашни, акс ҳолда уни ўлдиришини, турмуш ўртоғини эса бадном қилишини айтиб қўрқита бошлайди. "Қарз" эвазига Б.Аҳмедовнинг таниши Р.Раджабовнинг номида бўлган "Ласетти" русумли автомашинани, Сирғали туманидаги квартирани ўз номига ўтказиб беришни қатъий талаб қилади ва уларга тегишли ҳужжатларни товламачилик йўли билан эгаллаб олади.

Турган гапки, бундай зўравонлик ва адолатсизликка дуч келган жабрланувчилар ҳуқуқтартибот органига мурожаат қилишган.

Тергов давомида 2011 йил давомида чет элда ишлаб чиқарилган 1 млрд. 99 млн. 534 минг 150 сўмлик сантехника маҳсулотларини божхона назоратини четлаб, республикамизга олиб кирганлиги аниқланиб, улар учун тўланиши лозим бўлган 509 млн. 724 минг 445 сўмлик бож тўловларини тўлашдан бўйин товлаган. Кейин эса, гўёки бу товарларнинг юртимиздаги хўжалик юритувчи субъектлардан сотиб олинганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тузиб, легаллаштирган.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судида Н.Қурбоновнинг жиноий қилмишлари кўриб чиқилди. Суд ҳукми билан йўлидан адашган "тадбиркор" тегишли жазосини олди: унга 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Юқорида айтиб ўтилган 1 млрд. 99 млн. 724 минг сўмликдан зиёдроқ контрабанда маҳсулотлари ва бошқа моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинган.

Қонунларни назарга илмай, жиноий ишларга қўл уриши оқибатида йиллаб тўплаган молдунёси-ю обрў-эътиборидан бир кунда маҳрум бўлган сохта тадбиркорнинг қисмати ҳамон мўмай даромад дардида юрган айрим "ишбилармон"ларга сабоқ бўлиши турган гап.

Бойликларимизни асрайлик

2012 йил 12 апрелдаги Республика Бош вазири томонидан республика ҳудудидан товар-моддий бойликларнинг ноқонуний чиқарилишининг олдини олиш, давлат чегарасини мустаҳкамлашга бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифаларга асосан туман ҳокимлиги раислигида ишчи гуруҳи тузилиб, зарур вазифалар белгиланб олинган эди.

Муроджон ИБРАГИМОВ,
Пахтаобод туман прокурори

Унга асосан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳудудга сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш, ноқонуний товарларни олиб чиқиш ва олиб киришга чек қўйиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, Пахтаобод тумани қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти билан чегарадош бўлиб, чегаранинг умумий узунлиги 59,4 км.ни ташкил қилади.

Ўтган ҳафтада Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари ва қишлоқ аҳолиси иштирок этган йиғилишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари таклиф этилди.

Йиғилишда сўз олган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Улуғбек Жўраев Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётини ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлиги ва порлоқ келажаги ҳамда фарзандларимиз камолини таъминлашда ҳар бир фуқаронинг Ватанга бўлган меҳри, фидойилиги ва фаоллиги муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, нотиқ товар-моддий бойликларни асраш, уларни ноқонуний йўллар билан чиқиб кетиши ва сифатсиз маҳсулотларни қонунга хилоф йўллар билан ҳудудимизга кириб келишининг олдини олишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки чегара ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли ҳам муносиб ҳисса қўшиш лозимлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидай, эл-юртимиз ризқига кўз тикаётган хиёнаткорлар ҳам борки, улар бойлик орттириш илинжида ҳар қандай нопокликдан ҳам қайтмайдилар. Улар бу қилмишлари билан эл назаридан қолаётганликларини, охир-оқибат хор ва зор бўлишларини хаёлларига келтирмаяптилар.

Туман прокуратураси томонидан ноқонуний равишда товарларини олиб ўтиш, ташиш ва сотиш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаб, уларга нисбатан профилактик тадбирларни кучайтириш юзасидан туман ИИБ, Божхона идораларига топшириқлар берилган. Бундан ташқари, ноқонуний товар-моддий бойликлар савдоси билан шуғулланишга мойил бўлган шахслар расмий равишда огоҳлантирилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида 77 та ҳолатда 262 млн. сўмдан ортиқ товар-моддий бойликларни олиб кириш, олиб чиқиш ва сақлаш ҳолатлари ўрганилиб, шундан 6 та ҳолатда 2336 кг пахта хомашёси, 510 литр нефть маҳсулотлари, 4 млн. 400 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ноқонуний четга олиб чиқиб кетиш ҳолатлари аниқланган.

Туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан жойларда аҳоли ўртасида профилактик тарғибот ишлари олиб бориб, кенг оммага тушунтириб борилаётган бўлишига қарамасдан, фуқаролар томонидан давлат чегарасини бузиш ва товар-моддий бойликларни ташиш билан шуғулланишга чек қўйилмаяпти.

Ўз нафсини ўйлайдиган бундай кимсаларнинг қилмишлари ҳар биримизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Амалий ёрдам туфайли

Иқтисодиёт ва солиқ тизими билан боғлиқ қонунлар ижросини таъминлаш орқали юртимиз тараққиётига баракали улуш қўшган бўламиз. Шу боис ҳам СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қўшкўпир туман бўлими томонидан иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш масаласига ҳар доим масъулият билан ёндашилиб келинмоқда.

М.АТАНАЗАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қўшкўпир туман бўлими бошлиғи

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур йўналишдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 10 та текшириш ўтказилди. Текширувлар натижаларига кўра 6 та жиноят, 4 та маъмурий иш қўзғатилди. Қонунда белгиланган тартибдаги тегишли ҳужжатлари бўлмаган 24603,9 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ҳуқуқбузарлардан олиб қўйилди.

Бўлим томонидан амалга оширилган ишлар самарадорлиги таҳлил қилинганида, жорий йилнинг ўтган даврида ўтган йилга нисбатан солиқ идоралари материаллари асосида қўзғатилган жиноят ишлари сони 2 тага камайганлиги, қонунда белгиланган тартибдаги тегишли ҳужжатларсиз олинган товар-моддий бойликлар суммаси 15685,7 минг сўмга кўпайганлиги кўринади. Олинган валюта қимматликлари миқдори ҳам ошган. 2011 йилнинг биринчи ярмида яширин равишда фаолият кўрсатиб даромад топаётган битта цех аниқланган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич иккитани ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 330,3 минг сўм етказилган зарар аниқланган ва 5558,1 минг сўм миқдорида қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, тўлиқ ундирилди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 2001,3 минг сўм зарар аниқланиб, 26760,3 минг сўмлик қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, 7444,7 минг сўми ундирилди.

Тезкор маълумотлар асосида Қўшкўпир туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси фаолияти таҳлилий ўрганилди. Корхонага 2007 йил 6 июлдан 2012 йил 1 февралга қадар Қ.Эшметов раҳбарлик қилган. 2001 йил 2 июлдан 2012 йил 11 февралга қадар эса Қ.Худойберганов бош ҳисобчи лавозимида фаолият кўрсатган. Бўлимимиз томонидан олиб борилган текширишларда Қ.Эшметов ва Қ.Худойберганов жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашгани, мансабга совуққонлик билан қарашгани аниқланди. Жумладан, 2008 йил ҳисоботида товарларни реализация қилишдан соф тушум 2810,0 минг сўмга камайтириб кўрсатилган. Солиқ кодексининг 218-моддасида белгиланган имтиёзлар нотўғри қўлланилиб, тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси камайтириб кўрсатилган. Натижада 7272,2 минг сўм қўшилган қиймат солиғи тўлашдан қасддан бўйин товланган. Умуман, 2008-2010 йиллар давомида Қ.Эшметов ва Қ.Худойберганов ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда, жами 25169,8 минг сўм миқдордаги қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаб келганлар. Шу билан бирга, Қ.Эшметов ва Қ.Худойберганов Солиқ кодексининг 188-моддаси талабларига зид равишда 2008 йил ва 2011 йилда ишчи-хизматчиларга берилган иш ҳақи бўйича давлат бюджетига ҳисобланган жами 22374,7 минг сўм миқдордаги даромад солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келишгани маълум бўлди.

Текшириш жараёнида корхонада муддати ўтган кредитор ва дебитор қарздорликка йўл қўйилиши натижасида 2011 йил 31 декабрь ҳолатига ишчи-хизматчиларнинг 50865,2 минг сўмлик иш ҳақлари ўз вақтида берилмагани ҳам аниқланди ва қонунбузарликлар юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Бу каби салбий ҳолатларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш мақсадида бўлимимиз томонидан тарғибот-ташвиқот тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чекка қишлоқларда кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар билан 20 маротаба учрашув, очиқ мулоқотлар ташкил қилинди. Натижада 10 кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилди, 10 нафар ходим доимий иш ўрнига эга бўлди.

Эл осойишталиги қонун муҳофазасида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Ишлар сифати ошгани боис жорий йилда прокуратура ва ички ишлар идоралари терговчилари томонидан тугалланган жиноят ишларини судлар томонидан қўшимча терговга қайтариш, энг муҳими, шахсларни ноқонуний жавобгарликка тортиш, ноқонуний ушлаш ҳолларига йўл қўйилмади.

Ҳар бир жиноят қандай кўринишда бўлмасин, жамият манфаатига зарар етказади. Шу сабаб жиноятларни фош этиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмаларида тергов органларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Жиноятни фош этиш машаққатли иш. Тергов аниқлаши шарт бўлган ҳақиқат ҳар доим ҳам яққол кўринавермайди. Демак, бунда жиноятни очиш учун масъул ходимлардан юксак маҳорат талаб этилади.

Шу йилнинг 26 январь куни Когон шаҳрида содир этилган қотиллик жиноятини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Санжар Ҳамдамов жиноий йўл билан бойлик орттириш мақсадида танишлари Рустам Жўраев ва Фарруҳ Наймовларга ўзининг таниши Маликабону Раҳимованинг уйида 5 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда пул маблағлари борлигини, уйда фақат онаси ва ёш қизи яшашини, отаси узоқ сафарда эканлигини айтиб, бу уйга босқинчилик йўли билан ҳужум қилиб, мол-мулкларини талон-торож қилиш ва қасддан ўлдириш ҳақида олдиндан келишиб оладилар.

Жиноий режага мувофиқ, 26 январь куни кечки пайт қуролланган ҳолда уйга кириб, Лайло Саидова, унинг таниши Истат Нарзиева ва вояга етмаган Гулноз Раҳимоваларни ўта шафқатсизлик билан ўлдириб, 1 млн. 97 минг 400 сўмлик мол-мулкларни талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинадилар.

Ушбу жиноят ҳар қанча пухта режалаштирилган, излар тўлиқ йўқотилган ҳолда содир этилган бўлишига қарамасдан, олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида фош этилди. Йиғилган далиллар суд ҳукми билан ҳар учала жиноятчига нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш учун асос бўлди.

Тергов фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкиллаштириш, узлуксиз тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда криминалистик техника воситаларининг такомиллаштирилганлиги, эксперт текширувлари сифати яхшиланган ҳам жиноятларни фош этиш самарадорлигини оширмоқда. Натижада узоқ йиллар очилмай келаётган жиноятлар фош этилиб, жазонинг муқаррарлигини таъминлашга эришилмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, тергов сифатини яхшилаш, дастлабки тергов устидан назоратни кучайтириш, иш унуми ва самарадорлигини ошириш борасидаги фаолиятга замонавий компьютер технологияларини жорий этишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги 2002 йил 30 майдаги Фармони, "Ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2005 йил 8 июлдаги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида ҳам фаолиятга замонавий компьютер техникаларини жорий этиш вазифаси топширилган.

Бош прокурорнинг ушбу меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга қаратилган буйруқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, вилоят прокуратураси органларида "Прокурор назорати" электрон дастури ишлаб чиқилди. Дастур прокуратура органларига келиб тушган барча ҳужжатлар ҳисобини юритиш билан бир қаторда ижро интизомини назорат қилиш имконини яратади.

Юртбошимиз томонидан 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинди ва шу ҳақдаги Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастур доирасида белгиланган вазифалар аввало жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлашга қаратилганлиги, оилаларда тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилганлиги каби жиҳатлари билан ҳам эътиборлидир.

Давлат дастурини ҳаётга татбиқ қилиш борасида Бош прокурорнинг топшириғига кўра вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада қабул қилинган қонунлар, Ҳукумат қарорлари ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда маҳаллий бошқарув органлари, судлар, ички ишлар идоралари, хотин-қизлар қўмитаси, адлия, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари, "Маҳалла", "Нуроний", "Камолот" ЁИҲ ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган 100 га яқин тадбирларда прокуратура ходимлари фаол иштирок этдилар. Шаҳар ва туманларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат таркибда ташкил этилган "Оилани мустаҳкамлаш" жамоатчилик кенгашлари фаолиятидаги иштирок айниқса самарали бўлмоқда.

Хусусан, Кенгашнинг ишчи гуруҳи томонидан бевосита ҳудуд прокурорларининг умумий раҳбарлигида фуқароларнинг, айниқса ёш оилаларнинг муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 6039 нафар фуқаро, шундан 1322 нафар ёш оилалар қабул қилинган ва уларнинг муаммолари ижобий ҳал этилган. Кенгаш мутасадди аъзоларининг бевосита аралашуви билан 625 нафар оилага 7,1 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши таъминланган. Жамоатчилик кенгаши томонидан олиб борилган тушунтириш ва тарғибот тадбирлари натижасида вилоятда оила ва турмуш муносабатларидаги жанжалкаш оилаларнинг сони камайди, нотинч оилаларда соғлом турмуш тарзи шакллантирилди.

Бу борада ишлар кўлами кенгайтирилиб, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи Кенгаши тавсияси билан кўплаб тадбирларни мужассамлаган кўшма кўрсатма ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 11 апрель куни вилоят прокурори, ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, фуқаролик ишлар бўйича вилоят суди раиси, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари вилоят бўлимлари раҳбарлари томонидан имзоланиб, жойларда ижроси таъминланмоқда.

Бундан ташқари, ўқувчи-ёшлар орасида ғоявий ва информацион хуруж ва таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасида жорий йилнинг ўтган даврида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, прокуратура идоралари томонидан ички ишлар, адлия ва маънавият тарғиботи бўлимлари ҳамкорлигида маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш ҳамда талаба-ёшларнинг мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида учрашувлар, суҳбатлар, турли йўналишдаги тадбирлар уюштирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан бугунги кундаги яна бир ташвишли иллат — одам савдоси муаммоси. Унга қарши кураш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ибодулло НУРОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси йиғилишининг 2011 йилнинг 23 декабрь кунидаги ҳамда 2012 йилнинг 20 июндаги қарорлари талабларининг бажарилишини таъминлаш, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш, уларнинг жадал ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, шу орқали янги иш ўринлари яратилишига ҳамда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга эришиш бўйича белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Одам савдосига имконият яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ишлари самарадорлигини ошириш вилоят прокуратураси органларининг доимий диққат-эътиборида бўлиб, шу даврда жойлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликда 110 маротаба меҳнат бозорлари (ярмаркалари) ўтказилиб, унда 4408 та корхоналар 32180 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат бозорига жами 28034 нафар ишсизлар жалб қилинди, уларнинг 12959 нафари ишга жойлаштирилиб, 15075 нафарига тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳадемай, Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ушбу тарихан қисқа давр ичида эришилган ютуқларни нафақат мамлакатнинг марказий шаҳарларида, балки энг олис қишлоқларида ҳам амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан ҳамда халқнинг фаровон ҳаётидан сезиш мумкин.

Тадбиркорлар манфаатлари йўлида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Аммо биринчи инстанция суди томонидан мазкур ҳолат бўйича жавобгарликни белгилашда баъзи камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, солиқ органи томонидан текшириш 2009 йил 29 декабрда ўтказилган бўлиб, солиққа оид ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтда Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақининг миқдори 37 минг 680 сўмни ташкил қилган бўлса-да, биринчи инстанция суди энг кам иш ҳақининг 45 минг 215 сўм миқдорида ҳисоблаб, жариманинг хато қўлланилишига йўл қўяди.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги Қарорининг 5-бандида энг кам иш ҳақининг миқдорига қараб белгиланадиган молиявий санкцияни қўллашда ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб молиявий санкция қўлланилиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Шу билан бирга, суд иш кўрилгунга қадар "Чойдори" хусусий фирмаси томонидан 200 минг сўм ихтиёрий равишда тўланганлигини ҳам инобатга олмаган. Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, Республика прокуратурасига Олий хўжалик судининг кассация инстанциясига кассация протести киритиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Кассация инстанциясининг 2011 йил 14 июндаги қарори билан суд қарори ўзгартирилиб, тадбиркорга нисбатан асоссиз қўлланилган 426 минг 50 сўм жариманинг бекор қилинишига эришилди.

Қонун барчага баробар. Шундай экан, бунга тадбиркор ҳам, назорат қилувчи органлар ҳам бирдек амал қилиши, унинг талабларига риоя этиши шарт. Бу борадаги қонун талабини бажариш мақсадида Косон туман Давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига мурожаат қилиб, "Ўзбекистон кўзи ожизлар" жамияти "Косон" ўқув ишлаб чиқариш корхонаси" МЧЖга нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан 1 млн. 130 минг 400 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўрайди. Биринчи инстанция судининг 2011 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб тўлиқ қаноатлантирилади.

Иш ҳужжатларга кўра, тегишли ҳужжатлар асосида жамиятда қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш натижалари юзасидан тузилган далолатномада жамият хазинасига жавобгар М.Мерганов томонидан 24 млн. 365 минг 972 сўм нақд пул тушуми назорат-касса машинаси хотирасига киритилмаслиги банк муассасасига топширилганлиги қайд этилади. Бир қарашда ҳаммаси қонунга мувофиқ қилинган дейиш мумкин бўлса-да, лекин ҳолат атрофлича ўрганилганда қонун талабларининг бузилганлиги аниқланди.

Солиқ кодекси 92-моддаси 1-қисмининг бешинчи хатбошисига биноан, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси солиқ текширувини ўтказишни бошлашдан олдин, нақд пул тушумларига тааллуқли масалалар юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказилаётганда эса солиқ текшируви тугаллангунига қадар солиқ тўловчига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори кўчирма нусхасини, шунингдек, давлат солиқ хизмати органининг тегишли солиқ текшируви тайинланганлиги тўғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувини ўтказиш дастурининг кўчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шарт. Бироқ, текширувчилар томонидан текшириш тартиби ва қоидалари бузилган. Хусусан, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Қашқадарё вилоят Косон туман ҳудудий комиссиясининг 2010 йил 20 апрелдаги рухсатномаси ҳамда текшириш дастури солиқ тўловчига тилхат асосида топширилмаган.

Ваҳоланки, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш унинг қоидалари ва тартибини бузган ҳолда ўтказилиши — хўжалик юритувчи субъектга текширишларни мувофиқлаштириш режасидан кўчирманинг, назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш режасининг тақдим этилмаганлиги молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома)ни рад қилиш учун асос бўлади. Бу ҳақда Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"ги Қарорининг 17-бандида кўрсатиб ўтилган.


Ана шу нормаларга асосланган ҳолда вилоят прокуратурасининг тақдимномасига кўра Бош прокуратура томонидан Олий хўжалик судининг кассация инстанциясига кассация протести киритилиб, қонуний суд қарори қабул қилинишига эришилди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъект манфаатига зарар етказилишига сабабчи бўлган солиқ органи ходимларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилиб, натижасига кўра қонунбузилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Б.САМУКОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари







Қонунлари мустаҳкам юрт

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланишининг олдини олиш борасида прокурор назорати кучайтирилиб, аниқланган қонунбузилишларга нисбатан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, Жиззах шаҳридаги "Кўк бозорстандарт" корхонаси раҳбари И.Игамбердиев хусусий тадбиркор Х.Дусниязов билан маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома тузган. Унга асосан корхонага қабул қилинган 22,7 млн. сўмлик 13 тонна гуручни "Кўк бозор" ҳудудида нақд пулга сотиб, пулларни корхонага кирим қилмасдан ва банк бўлимига топширмасдан ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Ушбу ҳолат юзасидан корхона раҳбари И.Игамбердиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролар соғлиғини сақлаш, уларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, "Соғлом она — соғлом бола" дастури асосида оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан доимий прокурор назорати ўрнатилган. Олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ вилоятда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оналар ва болалар ўлими камайишига эришилди.

Юртбошимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишнинг олдини олишга қаратилган Фармон ва қарорлари ҳамда Республика Бош прокурорининг соҳавий буйруғи талабларидан келиб чиқиб, муайян назорат тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда. Қонунбузилишларга нисбатан 61 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, ОАТБ "Агробанк" Янгиқишлоқ филиали мансабдор шахслари Фориш туманидаги "Ёвқош ота" фермер хўжалиги раҳбари А.Худойбердиевга бўш қоғозга имзо қўйдириб, фуқаролик паспорти ва фермер хўжалиги муҳрини алдаб олишга эришган. Натижада улардан фойдаланган ҳолда унинг номига чорвачилик йўналишида 18 млн. сўм кредит маблағларини расмийлаштириб, маблағларни фермер хўжалигига бермасдан, талон-торож қилишган. Ушбу ҳолат юзасидан банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, Жиззах вилоят прокуратураси органларига ўрнатилган "Ишонч телефонлари" орқали 71 нафар шахсларнинг мурожаатлари қабул қилиниб, 58 таси ҳал этилди ва шундан 53 таси қаноатлантирилди. Прокуратура аралашуви билан 65 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, вилоятда жорий йилда 14 та уй-жой массивида 370 та намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жой қурилиши режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу уй-жойлардан 9 та массивда 204 та уй-жойлар қурилиши учун танлов ўтказилиб, 19 та танлов ғолиби бўлган пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузилган. Уларга 5,2 млрд. сўмлик 25 фоизли аванс маблағлари ажратилган. Бу борада доимий назорат тадбирлари ўтказиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси қатъий назоратга олиниб, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари асосида муайян ишлар амалга оширилди. Мазкур соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 145 та текшириш натижасига кўра 3497 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Судларга 5 млрд. сўмликдан ортиқ 792 та даъволар киритилди. 1033 нафар мансабдор шахсларнинг интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарлик масаласи ҳал этилди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 27 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 143 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда ер майдонларидан мақсадсиз ва хўжасизларча фойдаланиш, уларни ноқонуний эгаллаб олиш ва талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланиб, прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали бартараф этиб борилди. Жумладан, Зафаробод туманидаги "Шодиёр Эсон" фермер хўжалиги раҳбари В.Шерматов 2012 йил ҳосили учун чигит экилиши режалаштирилган 20 гектар ер майдонини полиз ва бошқа экинлар экиш учун 10 млн. сўмга сотган. Ушбу ҳолат юзасидан В.Шерматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.





Сув ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда гидротехника иншоотларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, Жанубий Мирзачўл магистрал канали бошқармаси мансабдор шахслари томонидан 74,4 млн. сўм бюджет маблағлари расмий ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланган. Бундан ташқари, бошқармада жорий таъмирлаш ишларини бажарган пудратчи ташкилотлар мансабдор шахслари томонидан расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритилиб, 2,9 млрд. сўм маблағ ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган. Мазкур ҳолат юзасидан бошқарма мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шу билан бирга, 2012 йил инвестиция дастурига киритилган объектларда олиб борилаётган ишларнинг аҳволи юзасидан ҳам доимий назорат ўрнатилган. Бу борада аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондини бошқариш департаменти томонидан "Ирригатор ҳамкор" хусусий корхонасига қурилиш ишлари учун аванс тариқасида ўтказиб берилган 95,8 млн. сўмнинг 34,9 млн. сўми хусусий корхона раҳбари И.Бердиев томонидан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган. Ушбу ҳолат юзасидан корхона раҳбари И.Бердиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сақланиши тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган мониторингларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Масалан, "Зафаробод пахта тозалаш" очиқ турдаги акциядорлик жамияти қошидаги пахта қабул қилиш маскани товаршунослари К.Рўзиев ва С.Ганиевнинг жавобгарлигида бўлган 657,1 млн. сўмлик 1287 тонна пахта камомади мавжудлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан К.Рўзиев ва С.Ганиевлар тегишли жазосини оладиган бўлди.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Асосий эътибор вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг таълим-тарбияси ва бандлигига оид қонунлар ижросига қаратилган. Кўрилган чоралар самара бериб меҳрибонлик уйи ҳамда махсус мактаб-интернатлардаги шарт-шароитлар яхшиланди. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра вилоят прокуратураси органлари ташаббуси билан 516 нафар коллеж битирувчилари учун иш ўринлари яратилиб, уч томонлама шартномалар тузилиши таъминланди.

Ўтказилган текширишларда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга масъул давлат идоралари томонидан бўш иш ўринларини мавжуд корхона ва ташкилотларда битирувчиларни ишга жойлаштириш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги ҳолатлари аниқланмоқда. Хусусан, Зарбдор туманида жойлашган 10-мактабгача таълим муассасасида штатлар жадвалига асосан 25 та иш ўрни тасдиқланган. Ушбу таълим муассасасида 25 нафар ўрнига 19 нафар ходим ишлаётганлиги аниқланди. Текшириш натижасида ушбу таълим муассасасида қайд этилган ортиқча ставкада ишлаётган ходимлар ставкаси қисқартирилиб, уларнинг ўрнига 6 нафар коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш учун уч томонлама шартномалар тузилиши таъминланди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқувчи қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш борасида белгиланган тадбирлар ўтказилиб, амалга оширилган ишлар ҳақида олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, аниқланган қонунбузилишлари ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жиззах шаҳар прокуратураси томонидан 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш мақсадида улар билан тушунтириш ишлари ўтказилиб, муаммоларни ҳал этиш чоралари белгиланди. Хусусан, фарзандларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этишга қарши бўлган ота-оналар прокуратурага таклиф этилиб, уларга қонун талаблари тушунтирилди. Таълимни давом эттириши муаммоли бўлган ҳар бир қизга ўзлари яшайдиган жойдаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари масъул этиб бириктирилиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланди. Масалан, ишчи гуруҳ томонидан "Жиззахлик" маҳалласида яшовчи, шаҳардаги 16-умумтаълим мактабининг 9-синф битирувчиси Моҳинур Мирзаева билан ўтказилган суҳбатда

Бахтиёр ЖАМОЛОВ,
Жиззах вилоят прокурори

у Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежининг "Кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори" йўналиши бўйича ўқишни давом эттирмоқчи эканлигини, аммо ота-онаси бунга рухсат бермаётганлигини билдирган. Ишчи гуруҳ томонидан унинг ота-онаси билан суҳбат ўтказилди. Қизини ўзи хоҳлаган ўқишга жалб этиш лозимлиги тушунтирилиб, ота-онасидан бу ҳақда кафолат хати олинган. М.Мирзаеванинг таълимнинг кейинги босқичига жалб этилиши назоратга олиниб, "Жиззахлик" маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Зоиржонова масъул этиб бириктирилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб борилганлиги ўз самарасини бераяпти. Бу ишлар натижасида вилоятда умумий жиноятлар сони 58 тага камайиб, 1363 тани ташкил этди. Жиззах вилоят прокуратураси органлари терговчилари томонидан тергов қилинган жиноят ишлари юзасидан аниқланган 5,4 млрд. сўм зарарнинг 5,3 млрд. сўми ундирилган.

Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти асосан фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди. Жиноят ишлари бўйича вилоят судлари томонидан 1226 нафар шахсга нисбатан 863 та жиноят ишлари кўрилиб, 645 тасига ҳукмлар чиқарилган. Мазкур ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланди. Апелляция ва кассация протестлари келтириш самарадорлиги 100 фоизни ташкил этди.

Қонунларни тушунтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида 4680 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали 1100 марта, шундан телевидение орқали 273 марта, радиода 269 марта ва матбуотда 543 марта чиқишлар қилинди. Тадбирларнинг аксарияти, яъни 3067 таси фуқароларнинг яшаш, ўқиш ва иш жойларида ўтказилгани ҳам яхши самара берди. Тадбирларнинг асосий қисми прокуратура органлари фаолиятига ошкоралик бериш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилди.


Мақсадимиз инсон манфаатлари учун хизмат қилиш экан, ҳар биримиз ўзимизга юклатилган вазифага масъулият ҳисси билан ёндашсаккина қонун устуворлигини таъминлашимиз мумкин. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир".

Қайтадан чирой очаётган шаҳар

Латиф ЖАЛОВ,
Жиззах шаҳар прокурори

Бугун Жиззах шаҳри улкан қурилишлар майдонига айланди десак, муболаға бўлмайди. Айни дамда Жиззах вилоятининг меъморий қиёфасини тубдан яхшилаш мақсадида тузилган Дастур асосида 2012-2017 йилларга мўлжалланган қурилиш ишлари бошланиб кетди. Жиззах шаҳрини қайтадан қуриш тўғрисида ўтган асрнинг 80-йилларидан буён собиқ иттифоқ маъмурлари томонидан атайлаб орқага суриб қўйилган Бош режа Юртбошимиз ташаббуси ҳамда мустақиллик шарофати билан қайтадан ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Бош режа асосида вилоятимиз марказини тез орада танимай қолишингиз шубҳасиз. Бу режани амалга ошириш босқичма-босқич равишда 2030 йилга қадар давом этади. Келинг, шу ўринда Дастур ва Бош режа асосида бошлаб юборилган ишларга тўхталиб ўтайлик.

Сўнгги уч-тўрт йил ичида Жиззах шаҳрининг Ш.Рашидов, Р.Исаев, У.Тўрақулов, А.Бекмуродов ва Шифокорлар кўчаларида катта бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бу кўчалар энига 50 метрга қадар кенгайтирилиб, икки томонлама қатновга мослаштирилди. Кўчалар ўртасида майсазор майдонлар ташкил этилиб, гул ва манзарали дарахтлар билан ободонлаштирилди. Кўчаларнинг икки томонида эса пастқам бир қаватли шахсий уй ва хўжалик объектлари ўрнига икки-уч қаватли кўркам иморатлар қад кўтарди. Шаҳримизнинг бош бозорлари бўлмиш "Кўк бозор", "Эски шаҳар" буюм ва деҳқон бозорлари, "Кимёгар" эҳтиёт қисмлари бозорлари бугун таниб бўлмас даражада ўзгарди. Уларнинг ҳудудларида катта ободончилик ишлари бажарилди. "Кўк бозор" ҳудудидаги бир қаватли савдо шохобчалари ўрнида пухта ишланган лойиҳалар асосида янги савдо ва маиший хизмат бинолари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Тор ва тиқилинч йўллар кенгайтирилиб қайта қурилди. Бу ишлар яна давом эттирилади. "Кўк бозор"га келиб бирлашган Тошкент кўчаси, Н.Қўшоқов, А.Навоий кўчалари юқорида таъкидланганидек, 50 метрга қадар кенгайтирилиб, икки томонлама қатнов йўлга қўйилади. Тор кўринишдаги Н.Қўшоқов кўчаси "Кўк бозор"дан бошланиб жанубга — Фориш йўлига қадар узайтирилди. Кўркам, янги вокзал биноси ёнидан Улуғбек маҳалласини айланиб ўтувчи А.Бекмуродов кўчаси ҳам шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига айланади. Унинг ёқасида ҳам икки-уч қаватли иншоотлар қад кўтаради.



Ш.Рашидов кўчасининг "Баҳора" тўй мажмуаси бекатидан бошланувчи А.Навоий кўчасидан "Кўк бозор" ҳудуди баралла кўриниб турадиган ҳолат касб этади. Ушбу кўчада эса жиззахликларнинг фахрига айланадиган улкан 5,4 гектарлик майдонни эгаллайдиган гўзал спорт мажмуаси қад кўтаради. Бу ишга аллақачон қўл урилди. Марказий стадион атрофидаги эски ўттиздан зиёд хўжалик иншоотлари, Навоий маҳалласидаги 68 та пастқам уйлар, Тошлоқ маҳалласига қарашли А.Навоий ва Ш.Рашидов кўчаларининг ўртасида жойлашиб қолган учбурчак шаклдаги кўримсиз турар жойлар ҳам қайтадан қурилиб, спорт мажмуасининг бир қисмига айланади. Спорт мажмуасида ўн минг ўринли ўриндиқларга эга бўлган стадион, бассейн, теннис кортлари ва бошқа бинолар ўрин олади. Бу ҳудудда турар жойлари ва хўжалик объектлари бузилган фуқароларга қайтадан қуриш учун Кўтарма маҳалласида 12 та ер участкаси, Халқлар дўстлиги шоҳкўчасида 20 та хўжалик иншоотлари қуриш учун ер майдонлари ажратилди. А.Навоий кўчасидан вокзалга қадар кўчанинг бир қисмини эгаллаб ётган, эндиликда эскирган темирйўл излари ҳам олиб ташланди. Бунинг ҳисобига кўча кенгайиб, янада гўзал қиёфа касб этади. Шунингдек, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ёнида яна бир гўзал бино қад кўтаради.

Бу зарбдор қурилишларнинг кейинги босқичларида "Баҳора" тўйлар мажмуаси ўрни ҳам Ш.Рашидов кўчасига қўшилиб, мажмуа қаршисидаги пастқам уйлар ўрнига икки-уч қаватли уйлар Тошлоқ маҳалласи бўйлаб шаҳарга зеб беради. Ш.Рашидов кўчасининг бошланиши — Ором фаввораси мажмуаси янада гўзал қиёфа касб этади. Яна бир кўркам бино фавворанинг шимолий-ғарбий томони бошланиши оралиғида қурилади. Унинг ёнида эса 48 хонадонни ўз ичига олувчи турар жой биноси қад ростлайди. Бу турар жой биносидан сўнг икки-уч қаватли, лойиҳа асосида қуриладиган ҳам турар жой, ҳам савдо, маиший хизмат шохобчаларига эга бўлган бинолар Р.Исаев кўчаси бўйлаб Қаҳрамон маҳалласи қадар давом этади.

Айни пайтда энг серқатнов, лекин тор бўлган Қалия кўчаси ҳам Иттифоқ маҳалласига қадар кенгайтирилиб борилади. Бош режа асосида "А" саноат ҳудудида Хитой шаҳарчаси бунёд этилиши кўзда тутилган. Ушбу шаҳарчада қуриладиган гўзал савдо ва овқатланиш шохобчаларида Хитой таомларидан баҳраманд бўлишингиз, болалар ва катталар учун қуриладиган дам олиш масканларида мириқиб дам олишингиз мумкин бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, Жиззах шаҳри ҳадемай таниб бўлмас қиёфа касб этиб, барчанинг эътиборидаги Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғона каби шаҳарлардан қолишмайдиган бўлади.



Оила – муқаддас даргоҳ

Жиззах вилоятида биргина ўтган йил давомида 10625 та никоҳ қайд этилган. Шунингдек, ФҲДЁ органлари томонидан 467 та, судлар томонидан эса 528 та никоҳ бекор қилинган. Бу четдан қараганда оддий статистикадек туюлади. Бироқ, агар ҳар бир рақам ортида келажакка умид тикиб, оила қурган йигит-қизлар, дунёга келган фарзандларнинг тақдири, айниқса, қиз ўстириб, уни ўзга хонадонга хасми-ҳалол қилиб узатган ота-оналарнинг орзу-ниятлари чил-парчин бўлганлиги турганлигига эътибор берадиган бўлсак — бу рақамларнинг ҳар бири бир неча инсонлар тақдирининг нохуш ифодаси эканлигини кўрамиз.

Дилшод БОЙНАЗАРОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

"Дўппини олиб қўйиб", жиддий ўйлаб кўрадиган бўлсак, айнан ўша рақамлар жамиятимизнинг бугуни ва келажаги, миллатимиз тақдири, давлатимиз тараққиёти, деган улуғвор тушунчаларга билвосита тааллуқли эканлигини англаб етамиз. Ҳисоботларга оддий кўз билан қарашга, судлардаги ажрашиш жараёнларига қишда қор ёғиши каби табиий ҳолдай ўрганиб қолишимиз ҳаётимиздаги энг муқаддас қадрият — оилага нисбатан лоқайд муносабатни, бефарқликни келтириб чиқара бошлаганди.

Тўғри, никоҳларнинг бузилиши, ажрашишлар ёки никоҳсиз яшаш каби ҳолатларни кўз-кўз қилиш Ғарб матбуоти, фильмлар ва бошқа тарғибот воситалари орқали мамлакатимизга кириб келмоқда. Бу билан биз уларнинг турмуш тарзидан айнан қолиб кўчириб олишимиз керак, деган фикрга келмаслигимиз керак. Халқимиз орасида "Бирни кўриб фикр қил, ўнни кўриб зикр қил", деган нақл бекорга келиб чиқмаганку, ахир. Аммо, мамлакатимизда чоп этилаётган айрим матбуот нашрлари саҳифаларида урф-одатларимиз, қадриятларимизга номақбул бўлган ғарбча оилаларнинг тарғиб қилинаётганлиги менталитетимизга тўғри келади, деб бўлмайди.

Мухтарам Юртбошимиз ана шу муаммони бугунги иқтисодий-ижтимоий тараққиёт жараёнида нақадар муҳим ўрин тутишини чуқур ҳис этиб, 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилди.

Бизда оила мактаби аждодларимизнинг донолиги ва ҳаётий тажрибалари ортидан асрлар мобайнида такомиллашиб, ривожланди. Энг муҳими оила қуришга асос бўладиган омиллар — севги, дунёқарашлар муштараклиги каби тушунчалар қаторидан ўзаро ҳурмат, масъулият ва мажбурият деган миллий хусусиятларимиз ҳам жой олди. Улар эндиликда муқаддас оила эҳромини ушлаб турувчи мустаҳкам устунларига айланди, деб камоли ишонч билан айтиш мумкин. Бу миллий қадриятлар Конституциямизда ҳам, оила ва никоҳга оид қонунларимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Бола дунёни таниш, ўзаро муомала маданияти, таълим-тарбия сабоқларини илк бор оилада олади. Фарзандинг дунёга келиши ота-она зиммасига алоҳида масъулият ва мажбурият юклайди. Улардан аввало тўғри тарбия бериш, ҳаётда, жамиятда яшаш кўникмаларини сингдириб бориш талаб этилади. Аммо гоҳида бола тарбиясидек муҳим вазифа ўрнини бошқа омилларнинг эгаллаб олиши тузатиб бўлмас оқибатларга сабаб бўлиб қолади.

Шу ўринда Юртбошимизнинг бир гапларини келтириш ғоят ўринлидир: "Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир".

Дарҳақиқат, оилада меҳр-оқибат, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини сабр-тоқат, оқиллик билан ҳал этиш кўникмалари тарбия топади, ватанпарвар, комил фарзандлар вояга етади. Миллатнинг энг муқаддас урф-одатлари авайлаб сақланади, янгиликлар билан бойиб боради. Шунинг учун оила ҳам тил бойлигимиздаги "Ватан", "Она" каби энг муборак сўзлар қаторидан жой олишга тўла ҳақлидир.

Юртимиз иқтисодиёти ривожланиб борар экан, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ҳам шу даражада юксалмоқда. Шу маънода солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга тўлашдан бош тортиш ҳолатларини аниқлаш, солиқ ва валютага оид жиноятлар ва қонунбузилишларининг олдини олиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ва давлатга етказилган зарарни ундириш кабилар долзарб вазифалардан саналади.

Фаолиятимиз мезони

Раҳматжон ЖЎРАЕВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи

Департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида Бюджет Кодекси, Божхона кодекси, Солиқ кодекси, қонунларимиз, Президентимизнинг Фармон ва Фармойишлари, ҳукумат қарорлари, Республика Бош прокурори ва Департамент бошлиғининг буйруқ ва кўрсатмалари ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш, бартараф этиш ва олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида 623 маротаба профилактика ва қонунчилик тарғиботи тадбирлари ўтказилиб, 39 нафар тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган амалий ёрдам натижасида 84 та янги иш ўринлари яратилди.

Солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида ўтказилган текширишлар натижасида жами 125 та жиноят ва 19 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар фош этилди.

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 11 млрд. 312,6 млн. сўмлик қўшимча солиқ, молиявий ва маъмурий жарималар ҳисобланиб, 2 млрд. 207,3 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Солиққа тортиш базасини кенгайтириш борасида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган 31 та яширин цех фош этилиб, ноқонуний ишлаб чиқарилган 22,3 млн. сўмлик маҳсулот ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Вилоят ҳудудига ноқонуний товар-моддий бойликларни олиб кирилиши ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ 6 та жиноят ҳамда 1 та маъмурий ҳуқуқбузарлик фош этилиб, ҳуқуқбузарлардан 125,6 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Валюта соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш борасида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида 17 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди ва ноқонуний муомалада бўлган 8821 АҚШ доллари, 19,3 млн. сўм, 228 минг қозоқ тенгеси ва 23950 Россия рубли ашёвий далил тариқасида олиб қўйилган.

Ҳокимият, банк ва бошқа назорат органлари мансабдор ва масъул ходимлари томонидан содир этилаётган суиистеъмолчиликлар, коррупция ва порахўрлик каби ҳолатларни фош этиш борасида ўтказилган тадбирлар ҳам ўз самарасини берди. 39 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Арз ва шикоятлар асосли бўлса

Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак", деб белгилаб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир фуқаро ўз манфаатларини ҳимоя қилиб ариза ёки шикоят ёзиш ҳуқуқига эгадир.

Ойбек МУСТАФОЕВ,
Ғузор туман прокурорининг катта ёрдамчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Ариза билан мурожаат этган кишининг, албатта, бирор муаммоси бўлади. Қонунда белгиланганидек, ҳар бир давлат органи тушган ариза ва шикоятларни муддатида ҳал этиши ва бу борада аризачига билдириши лозим. Аризалар сонининг ортиб бориши ва ҳал этилмаслиги эса фуқароларнинг ўша ташкилотга нисбатан ишончсизлигини оширади.

Ғузор туман прокуратурасига ўтган 2011 йил мобайнида жами 1534 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Бу рақам 2010 йилдаги билан солиштирганда 482 тага ёки 31,5 фоизга ошган. Бироқ аниқланишича, фуқаролар томонидан турли ташкилот ва муассасаларга ёзилган аризаларнинг 953 таси текширишга ваколати бўлмаган ташкилотларга ёзилган.

ДТ "Халқ банки" туман филиали ходимларининг ўз ишига лоқайдлик билан қарагани туфайли фуқаролар томонидан мурожаатлар сони ортиб борганлиги кўзга ташланади. Банкнинг туман бўлими мутасадди ходимлари томонидан болалар учун ажратилган ижтимоий ҳимоя нафақалари талон-торож қилинаётганлиги оқибатида фуқаролар ариза билан мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар. Қолаверса, мутасадди ташкилотлар томонидан шикоят ва аризаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилмаётгани сабабли арз этувчиларга қонунда белгиланган муддатда ёзма равишда жавоб берилмай, эътиборсиз қолдирилгани туфайли фуқаролар юқори органларга мурожаат этишга мажбур бўлишган.

Баъзи ариза ва шикоятларда аризачилар бошқа бир фуқаро ёки мансабдор шахсларга нисбатан асоссиз туҳмат қилиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг 26-моддасида фуқаронинг ғайриқонуний хусусиятдаги ариза, таклиф ёки шикоят берганлик учун жавобгарлиги белгилаб берилган. Унга кўра, фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу мазмундаги аризалардан бири тумандаги Жарариқ қишлоғида яшовчи Б.Халбаева томонидан келиб тушган. Аризада кўрсатилишича, туман ДСИ ходимлари Ж.Норов ва С.Муродовлар жабрланувчининг ўғли бозорда сотиб турган 2 қоп гуручни асоссиз олиб кетишган ва ўғлидан 50 минг сўм пора талаб қилишган. Туман прокуратураси томонидан мазкур ҳолат ўрганиб чиқилганда, Б.Халбаеванинг аризасида кўрсатилган ҳолатлар асоссиз эканлиги аниқланди. Бировга туҳмат қилганлиги учун Б.Халбаевага нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жазога тортилди.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти Денов шаҳрида яшовчи О.Раҳмонов ўз аризасида собиқ турмуш ўртоғи билан муросага кела олмаётганлигидан шикоят қилади. Собиқ турмуш ўртоғи Н.Тавашарова Ғузор тумани ФҲДЁ бўлимида ишловчи опаси Х.Тавашарова уй олиб бериш учун 12 минг АҚШ доллари ва 500 минг сўмлик тилла тақинчоқларини берганлиги ва ушбу пул ва буюмларини қайтариб ололмаётганлигини, қолаверса, турмуш ўртоғи фарзандларини кўрсатишни истамаётганлигини, у Сурхондарё вилоятида доимий яшаш учун рўйхатда турса-да, фуқаролик паспортини туман ИИБда алмаштириб олганлигини маълум қилган. Мазкур ариза юзасидан туман прокуратураси томонидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилганда, О.Раҳмоновнинг аризасида кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмади ва унга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жазога тортилди.


Фуқароларнинг шикоят ва аризаларида шу ва шунга ўхшаш кўплаб ҳолатларни кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунида белгиланганидек, фуқаролар томонидан қилинган мурожаатлар, албатта, қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак. Акс ҳолда фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақли. Бироқ ариза ва шикоятларнинг асосли бўлиши ҳам муҳим жиҳатдир.

Бундан ташқари, туманда вояга етмаганлар билан ишлаш, уларни узлуксиз таълимга жалб этиш бўйича ҳам туман прокуратураси самарали ишлар олиб бормоқда. Эрта турмушга чиқишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар туман прокуратурасининг асосий эътиборидадир. Масалан, Батош қишлоғида яшовчи Н.Иботова вояга етмаган ўғлининг туман ҳудудидан чиқиб кетишига йўл қўйганлиги Тошкент шаҳар ички ишлар бўлимига маълум қилинди ва улар Э.Умрзоқовни туманга қайтариб юбордилар. Бу билан ҳали вояга етмаган ўсмирнинг ёмон йўлларга кириб кетишига чек қўйилди. Ёки ишчи гуруҳ томонидан тумандаги саноат-транспорт касб-ҳунар коллежининг ўқувчиси Зуҳриддин Дўсёровнинг ўқишни ташлаб, Россия Федерациясига ишлаш учун кетганлиги аниқланиб, туманга қайтарилди. Қолаверса, ёшлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур коллежнинг ўқувчиси Ш.Жамилованинг унаштирилгани аниқланиб, унинг отаси билан бўлган суҳбатда қизларнинг эрта турмуш қуриши ёмон оқибатларга олиб бориши тўғрисида тушунчалар берилди ва огоҳлантирилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари биринчи ўринда туриши сир эмас. Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар самараси аҳоли ўртасида ҳуқуқий савдохонликни оширишга хизмат қилади. Қолаверса, бу каби саъй-ҳаракатлар юртимизнинг янада равнақ топишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Қишлоқ хўжалиги эътиборда

Мустақиллик йилларида Президентимиз бошчилигида аграр соҳани ривожлантириш ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шубҳасиз, ўз натижасини бераётир. Бугун ҳудудларимизнинг қай бирида бўлманг, ана шу ислоҳотлар натижасида эришилган кўплаб ютуқларга гувоҳ бўласиз.



А.ТУРСУНБОЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори
Ў.ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Аграр соҳадаги ислоҳотларни тизимли ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигида қонунбузилишларга йўл қўймаслик мақсадида Сирдарё вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, қишлоқ хўжалигига доир қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан доимий назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилган жами 73 та текширишлар натижасига кўра 2092 та прокурор назорат ҳужжатлари қўлланилди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 46 та тақдимнома киритилди, 1651 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди. 29 нафар шахс интизомий, 211 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ҳақида 46 та протест киритилди. Етказилган 25 млн. 982 сўмлик зарарлар ихтиёрий ундирилиб, 160 млн. 346 минг сўмлик 64 та даъво аризалари судга киритилди ва қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 20 та жиноят иши қўзғатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 февралдаги "2012 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига дуч келинди. Мазкур тадбирларда чигит экилиши режалаштирилган 182 гектар ер майдонларига бошқа экинлар экилганлиги ҳолатлари аниқланиб, мазкур ерларга тўлиқ чигит экилиши таъминланди. Етказилган 2818 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилиб, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 8 та жиноят иши қўзғатилди. Шу билан бирга, 109 нафар мансабдор шахс маъмурий ва 40 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Мисол учун, Мирзаобод туманидаги "Мирзаободлик Мурод" фермер хўжалиги бошлиғи Н.Сулаймонов жорий йилда чигит экилиши режалаштирилган 32 гектар ер майдонининг 1 гектарини фуқаро А.Қувондиқовга маккажўхори экиш учун ажратиб беришни ваъда қилиб, бунинг эвазига 600 минг сўм пулни фирибгарлик йўли билан ўзлаштирганлиги аниқланган.

Шунингдек, Сардоба туманидаги "Шералихон авлодлари" фермер хўжалигининг мансабдор шахслари 2012 йил ҳосили учун чигит экилиши режалаштирилган 15 гектарга полиз экинларини экиб, ушбу майдонга ажратилган 2010 литр 2,6 млн. сўмлик дизель ёқилғиси, 450 кг. 704,7 минг сўмлик уруғлик чигитни, техника хизматлари учун 2,6 млн. сўм ва 740,8 минг сўмлик иш ҳақларини бошқа мақсадларда ишлатиб юборганлиги маълум бўлди. Аниқланган икки ҳолат юзасидан ҳам ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, қонуний чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган қарорлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида ҳам қатор қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Ховос туманидаги "Ховос туман омухта ем, шрот ва шелуха сотиш" МЧЖ раҳбари А.Бабабеков ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, истеъмолчиларга шрот ва шелуха маҳсулотларини белгиланган нархдан қиммат нархда сотиб келганлиги маълум бўлди. Мазкур даврда МЧЖ раҳбари томонидан фуқаролар манфаатига 27,3 млн. сўм миқдорда зарар етказганлиги аниқланиб, унга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, судга юборилди.

Бундан ташқари, назорат тадбирларида Гулистон шаҳридаги "Гулистон экстракт ёғ" ОАЖ тарозибони А.Расулов фуқаро Ғ.Сувонов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 10100 кг. шрот маҳсулотларини ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали сотиб келганлиги аниқланган. Тарозибон А.Расулов ҳамда фуқаро Ғ.Сувоновларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида аниқланаётган камчиликлар ва қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида фермер ва деҳқон хўжаликларида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар ташкил қилиниб, тегишли тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Коррупция – маънавий бузилишдир



Ўзбекистон Республикасида мустақиллик эълон қилингач, қисқа давр ичида коррупцияга қарши кураш ва бу каби жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2008 йил 24 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига бир нечта билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилган. Жумладан, қонуннинг 1-бандига кўра, Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланганлиги билдирилган.

Қонуннинг 2-бандига кўра, Конвенция 42-моддасининг 1- ва 3-бандлари бўйича 15-19, 21-, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24-, 25-, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилиши баён қилинган. Маълумки, ушбу хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон жиноят қонунчилиги бўйича ҳам жиноий қилмиш сифатида баҳоланиб, жиноий таъқиб этилади.

Қонуннинг 3-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг "а" кичик бандига мувофиқ, ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланишини билдирган.

Қонуннинг 4-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 46-моддаси 13-банди бўйича "Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий орган эканлигини, 14-банди бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланганлиги билдирилган.

Қонуннинг 5-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 66-моддасининг 3-бандига мувофиқ, ўзини Конвенция 66-модда 2-бандининг қоидаларига боғлиқ, деб ҳисобламаслигини маълум қилган.

Конвенциянинг 66-моддаси 2-банди қоидаларига эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бу позицияси тегишли асосга эга эканлигига амин бўламиз. Яъни бу бандда икки ёки ундан ортиқ Иштирокчи давлатларнинг Конвенцияни шарҳлаш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчилиги мунозаралар олиб бориш йўли билан ёки арбитраж йўли билан ҳал этилиши, келишмовчиликлар бу йўсинда ўз ечимини топмаган тақдирда давлатлардан бирининг Халқаро Судга мурожаат этиши орқали бир қарорга келиши мумкинлиги белгиланган.

Фикримизча, бир неча халқаро ҳужжатлар замирида юзага келган ва унинг стандартларига жавоб бера оладиган Конвенциянинг моддалари юзасидан бундай келишмовчиликлар юзага келиши эҳтимолдан узоқ ва ҳар бир мамлакат Конвенция талабларини унга қўшилиши олдидан кўп марталаб ўрганиб чиққан ва мазмун ҳамда талабларидан тўла хабардор бўлган бўлади.

Ўзбекистон ўзини ушбу қоида билан боғлиқ эмас, деб ҳисоблашининг ҳам ҳуқуқий асоси мавжуд. Сабаби, Конвенциянинг айнан шу моддаси 3-бандида ҳар қандай Иштирокчи давлат унинг 2-бандини ўзига тааллуқли ёки аксинчалиги ҳақида билдиришни баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳуқуқий мустаҳкамланган.

Бизнингча, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: Коррупцияга қарши курашнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган тажрибани чуқур ўрганиб, миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий муносабатлар ривожланишининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий аспектларини қамраб олган муаммолар ечимига қаратилган Коррупцияга қарши кураш Давлат дастурини ишлаб чиқиш; "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш; "Давлат хизмати тўғрисида"ги ва "Давлат хизматчисининг мақоми тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилиш, давлат хизматчиларининг "Хулқ-атвор кодекси"ни ишлаб чиқиш; коррупцияга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш; коррупция домига илинган мансабдор шахсларни аниқлаш, тергов қилиш ва ҳукм этишнинг махсус таомилларини белгилаш; маълумот манбаи ҳамда коррупция, қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида маълумот етказувчи гувоҳлар ва шахслар ҳақида маълумотлар сир тутилишини ҳимоя қиладиган институтлар ишини такомиллаштириш керак.

Шунингдек, барча давлат органлари ходимларининг (ротация) мансаб вазифаларини ҳудудий ва соҳавий принцип асосида тизимли равишда ўзгартириб туриш лозим. Бундан кўзланган асосий мақсад давлат амалдорлари ва улар хизматларидан фойдаланувчилар ўртасидаги яқин ва қуюқ муносабатлар ўрнатиш имкониятларини камайтиришдир.

Бундан ташқари, давлат тузилмалари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш лозим. Жамоатчилик назоратини кучайтириб, коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларини ишга солиш, жумладан, ишонч телефонларидан кенг фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ойбек МЕЛИБОЕВ,
Кўргонтепа туман прокурори

Ижтимоий адолат мезони

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг синалган йўли — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли танланди.

Кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва аҳолининг турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ўзбек моделининг инсонпарварлик моҳиятини белгиловчи, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади. "Кучли ижтимоий сиёсат" деганда, аҳоли, ҳар бир ижтимоий гуруҳ, қатлам, табақа, ҳар бир фуқаро тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ислоҳотларни, иқтисодий тадбирларни халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда ўтказиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан соҳаларига эътиборни сусайтирмаслик тушунилади.

Ижтимоий сиёсат турли мамлакатларда ўз сиёсий тузуми, иқтисодий салоҳияти, демократик тараққиёт ва унинг аҳоли манфаатларига мувофиқлиги, демографик вазият, ижтимоий ҳимоя тизими каби масалаларга боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Яъни ижтимоий сиёсат фақатгина ижтимоий ҳимоя эмас, балки аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган кенг кўламдаги ижтимоий фаолиятни, масалан, тиббиёт, маориф, маиший хизмат ва шу каби соҳаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилишида ижтимоий ҳимоя тизими муҳим ўрин тутади.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий мақсади халқ фаровонлигининг тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

Ижтимоий ҳимоя концепцияси Ғарбда ишлаб чиқилган деган қараш мавжуд. Аммо Шарқда, хусусан, бизда ҳам ижтимоий ҳимоя соҳаси ўзининг тарихий илдизларига эга. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур салтанатида одилона ижтимоий сиёсат юритилиб, халқнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволини инобатга олиш, унинг кундалик ҳаётидан хабардор бўлиб туришга кучли эътибор қаратилгани яхши маълум.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари яратилди: ижтимоий ҳимояга доир қарийб 90 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий муҳофазага сарфланаётган маблағ йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, шу мақсадда 1991 йилда 2 миллиард сўм сарфланган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 16 миллиард сўмдан ошиб кетган. 2010 йилга келиб эса биргина "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини бажариш учун қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланган.

Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва айниқса, унинг ночор гуруҳларини аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими барпо этилди. Мазкур тизимда маҳалла марказий ўринда туради.

Айни пайтда юртимизда 9941 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, уларнинг 8349 таси маҳалла, 108 таси шаҳарча, 1334 таси қишлоқ, 150 таси овул фуқаролар йиғинини ташкил этади.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлашда бошқа нодавлат ташкилотлари ҳам муносиб ўрин тутмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир, шу жумладан, 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 70 дан зиёд жамғармалар ишлаб турибди.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларни жадал ривожлантириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллашни тақозо этмоқда. Шу маънода, шаклланиб ва ривожланиб бораётган қонунчилигимизда ҳам бу ўз ифодасини топаяпти. "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун ва 2007 йилнинг 29 мартида Олий Мажлис Сенати томонидан "Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуннинг тасдиқланиши ҳам фикримиз далилидир.

Абдусалом НОРБОЕВ,
ТДЮИ доценти, юридик фанлар номзоди

Гап ўлсин...



"Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан", деган ҳикматни бот-бот эслайман. Гоҳида билиб-билмай кимнингдир кўнглига озор етказганимда, гоҳида бировдан озор кўрганда...

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

Инсончилик экан-да, айрим кезлари кимгадир яхшилик қиламан, деган ўйда унга ёмонлик қилиб қўямиз. Баъзан эса қасддан ёмонлик қиламизки, ўзимизга ундан-да ортиқроқ бало бўлиб қайтажагини ўйламаймиз, афсус...

... Фароғат бир коса овқат кўтариб кириб келган қўшнисини кўриб, кўзлари қувончдан порлаб кетди:

— Вой, келинг, Ордона опа, нега овора бўлиб овқат кўтариб юрибсиз?

— Ovораси борми, ўргилай? — Ордона креслога чўкиб, бамайлихотир ўрнашиб олди. — Касалхона ўлгурга борай десам, юрагим кўтармайди, денг. Хижолатда ўлиб ўтирдим. Ҳа, айтганча, Санжарбегингиз опошми?

— Ҳа, Худога шукур, ҳаммамизни бир қўрқитиб олди-да, боласи тушмагур, — Фароғат беозор койинган кўйи меҳмонга чой узатди.

— Қўшнилар ҳам тоза хижолатда қолишди, бундоқ бориб кўролмадик...

— Вой, хижолат қилишмасин. Қўшнининг бори яхшида, ўчакишгандек, уйга рухсат тегиши билан қўнғироқ қилсам, хўжайинимнинг телефонлари ўчирилган, денг. Ноилож Санобархонга: "Шундоқ уйга айтиб қўёлмайсизми?!" демоқчи бўлгандим, ўзи йўқ экану, лекин Маҳмуд ака бор экан. "Хўжайинингиз иш билан бир жойга кетибди, ҳозир ўзим бориб олиб келаман", дедилар. Бир уялдим. Аммо бошқа илож ҳам йўқ эди, Санжарбек бу аҳволда юролмаса... Мен кап-катта бўлиб қолган болани кўтаролмасам... Кўрпа-ёстиқ, дегандек... Аммо Маҳмуд ака умридан барака топсинлар, бир умр алқаб ўтадиган бўлдим!

Фароғат хурсанд бўлганидан яна бир нималарни гапирди, аммо булар Ордонанинг қулоғига кирмади. Апил-тапил хайрлашиб, Адолатникига кирди:

— Эшитдингизми, қўшни? Учинчи қаватдаги Фароғатхон бор-ку, ўшани касалхонадан Санобарнинг эри олиб келиб қўйганмиш...

— Нечук? Ўзининг эри-чи?

— Қайдам... Сафарда экани-ей... Нега энди шошилиб у олиб келади? Ўзи шуларнинг орасида бир гап бор, деб юрардим. Ана исботи!.. Бир нимаси бўлмаса, бировнинг хотинини олиб келиб қўймасди Маҳмуд деганлари, ўргилай...

Адолат ҳам ниманидир тушунгандек "ҳа-а", деб қўйди.

Зум ўтмай бу "янгилик" бошқа эшикларни "чертиб кирди". Айниқса, бу хабар Санобарнинг қулоғига етгач, қиёмат қўпди.

— Эрим билан юраркансан, тунов куни боланг билан сени шифохонадан бежизга машинасида олиб келмабди-да! — дея Фароғатнинг ёқасига ёпишди. Бўлди тўполон, бўлди тўполон! Икки ожизани маҳалла оқсоқоллари зўрға ажратишди.

Фароғат бу туҳмат қаршисида лол эди. На ўзини бир нима деб оқлай олади, на Санобар билан талашиб-тортишади. Ҳатто эридан ҳам роса койиш эшитди.

— Ҳамма айб ўзингда! Кўча тўла машина бўлса. Пулини тўлаб келавермайсанми? Нега Маҳмуд акани чақирасан? Ё чиндан ҳам ораларингда бирор гап борми?

Аёл пиқиллаб йиғлаб юборди:

— Нималар деяпсиз, адаси?! Асли сизни чақирмоқчийдим, йўқлигингиз учун "мен олиб кела қолай" деса, келаверибман. Савоб, деб қилгандир шу ишни...

Эри қўл силтаб нариги хонага кириб кетди.

Шу кундан бошлаб Маҳмуд ака билан кўча-кўйда дуч келиб қолишса ҳам саломлашмай қўйди. Қисди-басдига олган хотинига: "Мен ҳеч кимни ҳеч ердан олиб келмаганман. Қаёқдаги гапларга ҳам ишонаверасанми?" деганмиш. Тобора кўпайиб бораётган гап-сўзлардан Фароғат узун тилларини суғуриб ташлагиси келиб кетди.

Жанжаллар ҳали совимай Ордона яна Фароғатнинг остонасида пайдо бўлди:

— Вой, қўшни-ей, жуда ювошсиз-да! Бу Санобарни эрта кунда судга беришингиз керак эди. Ҳали ҳам бўлса, кеч эмас. Шундоқ мелисага боринг-у, "шундоқ-шундоқ, менга туҳмат қилди, эл ичида шаънимга шундоқ гапларни айтди", деб ёзиб беринг. Ўтирасизми, индамай?! Ер юткур, унга гап етказганларнинг ҳам бети кўчсин, нақ оилангиз у ёқдан бу ёққа келди-я...

Аслида бу тиллар ҳозиргина Санобарникида бошқача сўзлаб чиққанди:

— Вой, янаям юрагингиз бутун экан, оповси! Агар ўрнингизда бўлсам, Фароғат деганларининг сочини битталаб юлардим. Судга бермадингизми бу яшшамагурни?! Шундай аҳил оилангизни бузворай деди-я! Эрингиз ҳам қурсин, кўчада шунча қиз-жувонлар туриб, шугинага кўнгли кетган бўлса. Ундоқ десам, жувон ўлгур ўзи "мени олиб кетинг", деб қўнғироқ қилса, қайси эркак бормайди?! Ҳамма бало Фароғатнинг ўзида, писмайволиб ҳар бало қилади бу! Эҳтиёт бўлинг, қўшни!..

Хуллас, ўша куни яна жанжал қўпти. Икки аёлни қўни-қўшнилар ҳам тинчлантира олмади. Иш судгача бориб талқалди. Ақли расо қўшнилар "уят-э", дейишса, миш-мишга маҳси кийгизганлар томошадан бир қоп семиришди. Уларнинг гапига учган икки аёл маҳалла-кўй орасида юзлари шувут бўлиб, бош кўтаролмай қолишди. Икки ўртада болалар мунғайиб қолди. Бечора болалар...

Энг ёмони, икки оиладан ҳам барака учди. Сочи узун, ақли калта айрим "шайтон малаклари"нинг "меҳрибонлиги" сабаб хонадон устунлари озор чекишди. Бири: "Рафиқамнинг ҳурматига арзимас эканманда" деса, бири: "Юзимга оёқ қўйиб, бировнинг эрига кўз сузган хотиним яна қайси юз билан дастурхон бошида ўтираркин?! Эл-юрт олдида ким деган одам бўлдим энди?!", дея изтиробда тўлғонарди. Эҳ, хом сут эмган бандалар-а... Донишмандлар: "Уй олма, қўшни ол", деб бежизга айтишмаган экан-да!

Умрлари узоқ бўлгур дадам ёшлигимизда бирортамиз жанжаллашиб ёки гап талашиб қолсак, аввал бизни обдон уришиб, насиҳат қилиб, сўнгра айб кимда бўлишидан қатъи назар, қўшниникига узр сўраб келиш учун юборардилар.

Мағрурлигимиз тутса-да, ўзимизни мажбурлаб, "Кечира қолинг, иккинчи қилмаймиз", десак, "Улар кечирса, кейин мен кечираман!" дердилар. Баъзан "Нима бало, дадам ҳаммадан қўрқармикинлар?!" деган хаёлга ҳам борганман. На илож, жанжаллашган болалар билан ярашиб келардик. Шундай кезлари дадамнинг кўнгиллари ёришиб, юзларидан нур ёғилганча одатдаги гапларини такрорлардилар: "Қўшни билан яхши алоқада бўлинглар".

Кўп ўтмай ҳамсоямиз ўғлининг қўлидан тутиб, дарвозадан кириб келарди. Унинг айбдорларча бошлаган изоҳига изн бермасдилар:

— Қизиқсиз-а, қўшни, бола бола билан уришади-да! Биз катталар уларга тўғри йўлни кўрсатиб қўйишимиз лозим. Хижолат бўлманг, булар ҳали ёш-да! Қани, чойга қаранг! — вазиятни юмшатишга урунардилар дадам. Биз уришқоқлар вақтдан фойдаланиб, аста сирғалиб ўйинни давом эттириш учун кўчага чопардик.

Йиллар ўтиб, ўзим фарзандли бўлгач, падари бузруквориминг нақадар ҳикматга бой инсон эканликларига амин бўлдим.

Имом Бухорийнинг "Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари"ни кўздан кечирган киши эътиборини пайғамбаримиз (САВ)нинг қуйидаги гўзал лутфлари ўзига тортади: "Қўшниларингиз сизни яхши дейишаётган бўлса, демак, сиз яхшисиз, сизни ёмон одам дейишаётган бўлса, ёмон одамдирсиз".

Бу ўринда икки оилани пароканда қилган "қўшнилар" ҳақида гапирмаяпмиз. Уларга Яратганнинг ўзи инсоф берсин. Демоқчи бўлганимиз, ён-атрофимиздаги кишилар кўнглидан гўзал хулқимиз, одоб-ахлоқимиз, энг муҳими, яхшиликлар ила ўрин эгаллайлик, фарзандларимизга эзгу амалларимиз билан намуна кўрсатайлик.

Ҳеч ким ота-она ўрнини боса олмайди



Оила эркак ва аёлнинг ихтиёрий иттифоқидир. Бу ерда бежиз ихтиёрий деб таъкидланаётгани йўқ. Чунки оиланинг асоси бўлмиш меҳр-муҳаббатни сотиб олиб ёки бировни мажбуран севдириб бўлмайди.

Янгибой БАБАЖОНОВ,
Қўнғирот туман прокурори
Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
«Huquq»

Оила — инсон насли давом этадиган, яъни унинг эзгу ишларини давом эттирадиган, орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган фарзандлар дунёга келадиган муқаддас маскан.

Оила — жамиятнинг гултожи, тараққиёт бешиги. Чунки жамиятнинг янада жипслашувига хизмат қиладиган инсоний муносабатлар силсиласи, давлат ва жамият тараққиётига хизмат қиладиган, бировларга яхшилик қилиш, илмга чанқоқлик, мақсад сари сабот билан интилиш сингари фазилатлар, аввало, оилада шаклланади.

Мамлакатимизда оилага ниҳоятда катта эътибор қаратилади. 1998 йилнинг "Оила йили", 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимизда барчага ибрат бўладиган, ҳамманинг ҳаваси келадиган оилалар кўп. Аммо гуруч кўрмаксиз бўлмаганидек, оиланинг қўш устуни бўлмиш ота ва она деган номга доғ тушираётган, келажак эгаси бўлган фарзандларига тарбия беришни, ғамхўрлик қилишни ортиқча дахмаза деб биладиган оилалар ҳам учраб туради. Прокуратура органлари томонидан бундай ҳолатларга нисбатан тегишли таъсир чоралари кўриб борилмоқда. Хусусан, никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва уларнинг эрта турмушга чиқишининг олдини олиш, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишлари тегишли идора ва муассаса ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилиб келинмоқда. Қарангки, бу ерда бир мунча ишларни йўлга қўйган бўлсакда, айрим ота-оналар ўз фарзандларининг таълим-тарбиясига бефарқ бўлиб келаётганлиги маълум бўлди. Жумладан, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси юзасидан олиб борилган мониторинг давомида туманда яшовчи фуқаро Лолагул Юлдашева вояга етмаган, 1999 йил 11 март куни туғилган қизи Гулзира Юлдашеванинг таълим-тарбиясига эътибор бермасдан ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан Қўнғирот туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига фуқаро Л.Юлдашевага нисбатан вояга етмаган фарзанди Г.Юлдашевага вақтида етарли тарбия бермаганлиги, ота-оналик мажбуриятини бажармаганлиги, эҳтиёжларини қондирмаганлиги, яна билим бериш ва олиш имкониятларини таъминламаганлиги учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича даъво ариза келтирилган эди. Мазкур даъво ариза суд томонидан кўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, тумандаги никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг ҳуқуқларини тиклаш бўйича алимент тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб юрган 9 нафар фуқарога нисбатан ҳам ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланди.

Юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг рўй беришида маҳалла-кўй, атрофдагилар ҳам маълум даражада айбдордир. Чунки ёмон оила бирданига пайдо бўлиб қолмайди. Бир одам эл-юрт кўз ўнгида тўсатдан ёмон бўлиб қолиши мумкин эмас. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Бунга ўзимиз сабабчимиз. Уларга танбеҳ бериш, тўғри йўлга чақириш ўрнига "менга нима" қабилида иш тутганмиз. Бегуноҳ болалар тақдирига лоқайдлик билан қараганмиз.

Тўғри, юртимизда бундай болаларга давлат ғамхўрлик кўрсатади. Таълим-тарбия беради. Аммо бу ота-она меҳрининг ўрнини боса олармикан. Ана шу савол кишини кўп ва хўп ўйлантириб, тегишли хулоса чиқаришга ундайди.

Дўстингман, дея оғиз кўпиртирса-да, пайти келганда кўзингга чўп тиқувчилар ҳам учраб турар эканки, бундай ҳолатни Михаил Сорокин (исм-фамилиялар ўзгартирилган) эшитган эдику, аммо ўзининг бошига тушади деб ўйламаган эди. Мана энди, на ётиб-туришида ва на еб-ичишида ҳаловат бор.

Ишонмагил дўстингга...

Жаъфар ҚЎЗИЕВ,
Термиз шаҳар прокурори

Январь ойининг бошида эшикни очган уй эгаси остонада турган ўта жиддий қиёфадаги икки кишининг гапини эшитгач, талмовсираб қолди.

— Миллий хавфсизлик хизматиданмиз, — деди келганлардан бири ички чўнтагидан хизмат гувоҳномасини олиб кўрсатар экан. — Илгари ишлаган жойингизни, у ерда нима ишлар қилганингизни яхши биламиз. Ҳаракатларингизда жиноят аломатлари мавжуд бўлгани ҳолда, сиз жазодан қочиб юрибсиз...

Буни кутмаган хонадон эгасининг эси чиқиб кетаёзди. Оёқ-қўли қалтираб, "қилган ишимнинг нимаси жиноят экан?" — деди зўрға.

— Базадаги авиация ёқилғисини четга пуллаганингиз жиноят эмасми? Қанча даромад топганингиз ҳам яхши маълум. Уйингиздан узоққа чиқиб кетманг. Тушунарлими? Энди гапни эшитинг: агар ишим бостибости бўлиб кетсин, десангиз, ўша йиғиб қўйган кўклардан 50 мингини бизга олиб чиқиб берасиз...


Бемаҳал ташриф буюрган меҳмонларни кузатган Сорокин шу кечаси мижжа қоқмади. Шу кунгача қилган ишларини бирма-бир хотирлашга ҳаракат қилди. Йўқ, назарида қонунга зид ҳеч қандай иш қилмаган. Шундай бўлса-да, кўнглининг бир чети ғаш эди.

Орадан беш кун ўтиб, бу гал меҳмонлар уч киши бўлиб кириб келишди-да, пулни сўрашди. Сўнг дўқ қилишга ўтишди. Ноилож қолган Миша ўтириб, гаплашиб олишни таклиф қилди. Зумда стол тузаб, спиртли ичимликлар териб ташлади. Ярим тунгача маишат қилган меҳмонлар қуруқ қўл билан кетишни ўзларига эп кўришмади, шекилли, бири "Ноутбук DELL" компьютери билан "CANON" фотоаппаратини, иккинчиси бўлса "IPOD" мусиқа плеери, "SONY Playstation" ўйин ускунаси ҳамда "NOKIA — N8" уяли телефонни қўлтиқлаб, у билан хайрлашишди. Учинчиси бўлса, ўзининг айтиши бўйича, унинг хавфсизлигини таъминлаб, шу ерда қолди.

Ўзларини орган ходимлари, дея таништирган шасларнинг бу галги ташрифидан кейин уй эгаси негадир улардан шубҳалана бошлади. Сўнгра вақтни ўтказмай, МХХнинг Сурхондарё вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Хуллас, олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қалбаки гувоҳномаси билан соддадил одамларни чув тушириб юрган А.Абдулов, А.Мухтаров ва С.Бектошевлар қўлга олиндилар. Кўп ўтмай эса, уларни бу ишга ёллаганлар ҳам маълум бўлди-ю, буни эшитиб М.Сорокиннинг оғзи очилиб қолди. Буни қарангки, ундан пул ундирмоқчи бўлганлар ўзининг яқин дўсти Ғ.Баҳромов билан унинг отаси К.Баҳромовлар экан. Михаил шундагина чақирилмаган меҳмонлар ўзи ҳақида шунча маълумотни қаердан билганликларини тушунди. У ахир яқин дўстим, дея Ғайрат Баҳромовдан ҳеч нарсани яширмас эди-да!

Ҳа, шу ерда М.Сорокиннинг ҳушёрлиги иш берди. Йўқса, сохта орган ходимларига айтилган миқдордаги пулни олиб чиқиб берар ва бундан кейин ҳам чумчуқ "пир" этса, юраги "шир" этиб яшашга ўзини маҳкум қилар эди. Энди хурсанд. Айбдорлар бўлса суднинг ҳукмига кўра тегишли жазога тортилдилар.

«Терговчи» қиёфасидаги товламачи



Шуҳратжон МУСАЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

Январь ойи охирлаётган эди. Эрталаб қоровулхонанинг телефони жиринглади.

— Алло, эшитаман...

— Мен вилоят прокуратурасининг терговчиси, адлия маслаҳатчисиман. Раҳбарнинг қўл телефони керак.

Салобатли овоз, эътирозга ўрин қолдирмайдиган буйруқ оҳанги қоровулни шошириб қўйди. "Соҳиб акани раҳами йўғ-у, ўринбосариники бор", — дея Маҳаммаджон Сиддиқовнинг телефон рақамини айтиб берди.

"Терговчи" М.Сиддиқова ўзини таништирди.

— Ҳаром-ҳариш ишларингизни яхши биламиз. Қанча маҳсулотни четга пуллаб, қанча ноқонуний даромад оляпсизлар, беш қўлдай аён, далиллар етарли. Дискка олдибердиларинг тўғрисидаги телефон сўзлашувларинг ёзиб олинган...

Телефонда дўқ-пўписа... М.Сиддиқовнинг жаҳли чиқди. Ўзини аранг тийди.

"Тергов бўлимининг бошлиғи жиноят иши қўзғатишдан олдин бош директор билан гаплашиб кўринг, деди. Раҳбарингизга етказиб қўйинг, ҳаром еганини қусади ҳали..."

Қувасойдаги "Building materials production and trading group" қўшма корхонасининг бош директори С.Исақжонов ўринбосарининг гапини эшитиб, "бўпти, текширишгача ҳужжатларни ростлаб қўйинглар", деди.

М.Сиддиқов терговчига телефон қилиб, Соҳиб аканинг ўзи билан гаплашаркансиз, дея раҳбарнинг телефон рақамини берди.

— Чойхонадаги гаплар ҳам ёзиб олинган, — деди "терговчи" бош директорга дўқ-пўписа оҳангида. — Ҳаракатингизни қилинг, беш-олти йилга кесилиб кетасиз, бўлмаса.

"Терговчи" келаси куни унга тағин телефон қилиб, "бир укамизни ишга оласиз", деди эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. "Йўлдошали менинг номимдан сизга учрайди".

— Бўпти, келсин-чи...

Директор телефонини ўчириб қўйган эди. "Терговчи" директорнинг ички тартиб учун масъул ўринбосари Пўлатжонга телефонда бир неча бор дўқ-пўписа қилди. Пўлатжон директорнинг айтганини қилиб, сўзлашувларни телефоннинг хотирасига ёзиб ола бошлади.

Йўлдошали танишининг гапини ерда қолдирмай, отаси билан бош директорга учради.

Директор "Терговчи" ким бўлади сизларга", деб сўраганида отахон Аллаёр ўргатганидай, "қариндошимиз", деди.

— Бўпти ҳужжатларини тўғрилаб, кадрлар бўлимига учранглар, — деди Соҳибжон.

Йўлдошали танишига директорнинг гапини етказди. "Терговчи" ўзича "демак, чипа-чин ишонишди, қармоққа илинишди", дея хулоса чиқарди.

Орадан бир неча кун ўтиб, у бош директорга телефон қилди-да, даволаняпман, қўл телефоним эскириб қолди, янгилаб берасиз, деди. Худди ўша телефондан "терговчи"ни даволаётган Аллаёр исмли врач кўнғироқ қилиб, "қўл телефонидан ташқари доридармонга икки минг доллар бераркансиз", деди.

— Бўпти, қачон келасиз?

— Еттинчи куни бориб учрайман, — деди Аллаёр "дўхтир".

2012 йил 7 апрель куни эрталаб соат ўнларда "терговчи" жўнатган "дўхтир" — Аллаёр қўшма корхона директорининг хонасига кириб келди. Телефон ва пулни олгач, "минг доллар билан телефонни "терговчи"га бериб қўяман. Минг доллар дори-дармон, бошқа харажатларга кетади", деб хонадан чиққан заҳоти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари томонидан ушланди. Унинг ёнидан 550 минг сўмлик "Нокия" телефони ва 2000 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди. Телефонда ўзини вилоят прокуратурасининг терговчисиман, деб таништириб, товламачилик қилган "терговчи" ҳам "дўхтир"нинг айнан ўзи бўлиб чиқди. Ҳам "терговчи", ҳам "дўхтир" қиёфасига кириб, товламачилик қилган Қувасой шаҳрида яшовчи йигирма олти яшар Ғуломжон Акбаров айбига тўлиқ иқрор бўлди.

— Шифер заводига ишга кирмоқчи эдим, бўлмади, — дейди фирибгар. — Аммо қоровулхонаси, идорасининг телефон номерлари, бошлиқ ва ўринбосарларининг исмларини билиб олдим. Телевизордаги кўрсатувлардан бирида прокуратура ходимининг исмини эслаб қолган эдим. Телефонда унинг номидан прокуратурада ишлайман, дея дўқ-пўписа қилиб, корхона бошлиқларини шилиш фикри туғилди. Икки-уч марта телефонда пўписа қилиб, хавотирга тушганларини сездим. Синаб кўришга аввалига кузда, тўйда танишиб қолган йигит Йўлдошалини ишга олишларини буюрдим. Буйруғимни бажаришгач, телефон билан пул беришларини талаб қилдим...

Прокуратура ходимиман, деб турли қиёфага кириб, товламачилик билан шуғулланган Ғ.Акбаровнинг айби судда ўз исботини топиб, у узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.



Ёқ қўшним — ёт қўшним

Умид ҲАМДАМОВ,
Қоровулбозор туман прокурори ёрдамчиси

Қўшнинг яхши бўлса "хўп-хўп", аммо акси бўлса-чи, ҳолингга "вой" экан. Гайбулло ака бу иборани эшитиб, мийиғида кулиб қўяди. Одамгарчилик юзасидан мулоҳазага боради, қўшнисининг бу хатосини бироз билан муҳокама қилишдан ўзини тийиб, фақат унга инсоф тилайди.

Лекин, қўшниси М.Шаропов пинагини бузмайди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан-да. Ўтган йили шу иллати — ўғрилик учун судланганида, унга ҳаётини изга солиш имкони берилиб, амнистия актига асосан тайинланган жазодан озод қилинган эди.

Телевизорининг антеннасини тузатиш учун томга чиққан Шаропов девор-дармиён қўшниси Гайбулло аканинг оила аъзолари билан ясан-тусан қилиб чиқиб кетишаётганини кўриб қолди. Қўшни туманга, холасининг тўйига отланишган экан. Уйда ҳеч ким қолмаганини билгач, М.Шаропов томдан қўшнининг ҳовлисига ошиб тушди-да, деразалардан бирини итарган эди, очилди. Дераза орқали уйга киргач, хонани обдон кўздан кечириб, пул излади-ю, тополмади. Сўнг кўрпалар йиғилган сандиқнинг қулфини ўзи билан олиб келган «отвёртка» билан очмоқчи бўлган эди, уддасидан чиқа олмади. Узоқ ўйлаб ўтирмай, атрофидаги михларни чиқариб, сандиқни очди. Сандиқ ичини титкилай-титкилай 500 минг сўм пул топди-да, кирган йўли билан чиқиб кетди. Эртаси куни шу пулларга ўзига қўл телефон, мотоцикли учун эҳтиёт қисмлар ва уйига озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олди. Уйда пул тугаганини айтган хотинини эслаб, унга "қўшнидан қарз олдим", дея 14 минг 500 сўмини берди.

Уч кун деганда тўйдан қайтган Гайбулло ака сандиқдаги пуллари йўқолганини билиб, ИИБга хабар қилди. Буни қарангки, М.Шаропов қилиғидан уялиб ҳам ўтирмай, айбини тан олди.

Қўшниси етказган зарарни тўлиқ тўлагани ҳамда унинг оиласидагиларни ўйлаган Гайбулло ака тергов жараёнида даъвоси йўқлигини билдирса-да, бу гал М.Шаропов қилмишига яраша жавоб беришига тўғри келди.

Нияти амалга ошмади

Х.КЕНЖАЕВ,
СВОЖЖДЛҚ Департаментининг
Хатирчи туман бўлими бошлиғи

Эл орасида шахсий манфаатини кўзлаб, "юмалоқ хат"лар ёзиб, "ёзувчи" деган ном олиб, бировлардан пул тама қилувчилар ҳам учраб туради. Қонун тили билан айтганда, улар товламачи дейилади. Айнан ана шундай кимсаларнинг касрига бошқалар ҳам қолиб, бир қишлоқ ёки ҳудуд ёмонотлиққа чиқиб қолади. Албатта, уларга тегишли жазолар мавжуд ва улар бу жазоларни олишмоқда.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судида шундай товламачилардан бири — Эрмамат Жалиловга оид жиноят иши кўриб чиқилди ҳамда у ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми "в" банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Воқеа эса бундай бўлган эди. Иноят Сағдуллаев деган шахс 2011 йилнинг куз ойларида Тасмачи бозорида юрганида унга бир нотаниш киши ўзининг 17-мактабда ишлашини айтиб, унга бир қанча ҳужжатлар беради. Уйга келиб улар билан танишиб чиққан И.Сағдуллаев ҳужжатлар 17-мактаб директори Шоира Қўлдошеванинг гўёки ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида эканлигини билади.

Тез орада у Ш.Қўлдошеванинг устидан юқори ташкилотларга ариза ёзади. Сўнгра уни Э.Жалиловга кўрсатиб, у аризани маъқуллагач, аризанинг остига Э.Жалиловнинг розилиги билан унинг ҳам исм-шарифини қўяди. Аммо ариза тегишли жойга юборилмайди. Мақсад аризани Ш.Қўлдошевага кўрсатиб, ундан пул ундириш эди.


Кўп ўтмай бу имконият ҳам пайдо бўлади. Тасмачи бозорида у эски бир танишини, яъни директорнинг қариндошини учратиб қолади. Унга мактаб директори ҳақида сўз очиб, унинг устидан ариза ёзганлигини шипшитади...

Бу орада Ш.Қўлдошева товламачилар устидан туман МХХ ва Департамент бўлимига ариза билан мурожаат этади.

Алалхусус, товламачи И.Сағдуллаев 2 миллион 600 минг сўм пулни олган вақтда қўлга олинади. Аммо бу пайтда унинг жиноий шериги Э.Жалилов воқеа жойида ҳозир бўлмаган эди.

Ҳар икки товламачи устидан жиноий иш қўзғатилди. Бироқ жиноят ишининг И.Сағдуллаевга тегишли қисми у 60 ёшдан ошганлиги боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Э.Жалилов эса айбига қисман иқрорлигини ва чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирган. Шунингдек, унинг айби жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.



Надомат

Баъзан туш кўради: ...мана у икки укаси билан анҳорда чўмилиб юрибди. Қийқиришиб, бир-бирларига сув сепишади. Хандон отиб кулганча, қумга чиқиб чўзилишади...

Кайси куни яна бир қизиқ туш кўрибди. Учовлон турли хаёлларга берилганча, катта бўлганларида нима иш қилишлари ҳақида хаёл суриб ўтиришганмиш. Катта укаси келгусида космонавт бўлишини, ракетада учиб кетаётганида, уларга қўлини силкитишини айтиб, мақтанибди. У бўлса, ер ракетадан қараганда худди ёнғоқдек бўлиб кўринади-ку, деб унинг устидан роса кулибди. Шу заҳоти кенжа укаси ўқитувчилик қилиши, шогирдлари орасидан олимлар чиқиши ҳақида оғиз кўпиртира кетибди. У укаларининг гапига кулиб қўйганча, ўзининг врач бўлиши, ким касал бўлиб қолса, дарҳол даволашини, керак бўлса, операция қилиб бўлса-да, ўлимдан ҳам сақлаб қолишини айтиб, мақтанармиш...

Шу куни аллақандай енгил кайфият билан уйғонди. Уйғонди-ю, ҳозиргина кўрганлари туш эканлигини билиб, юраги шунақанги санчдики... Қани энди, шу кўрган туши ўнгига айланиб, улар яна кичкина пайтларига қайтиб қолишса... Афсуски, энди бундай бўлмайди... Юрагига қил ҳам сиғмай, ич-ичини тирнаб келаётган виждон азобидан бақириб юборай, деди.

Сўнгги пайтда уйқусида ҳам ҳаловат йўқолди. Кўзини юмди дегунча, укаси гоҳ нафрат тўла, гоҳида эса маъюс ҳолда жавдираб турган кўзларини унга тикканча тураверади. Баъзида ухлаб ҳам қолади, аммо кўп ўтмай яна укасининг кўзлари таъқиб қилишни бошлайди. Чўчиб уйғонади-ю, аламдан лабини тишлайди. Ўша кунга лаънатлар ўқийди. Пиёла тўла винони оғзига олиб борган, кейинчалик пичоқни ҳам маҳкам ушлаган қўлларини тишлаб ташлагиси, бошини эса деворга уриб, абжағини чиқаришни хоҳлайди.

Энг алам қиладигани эса, 10 йилча олдин безорилик қилиб судланганида, бундан кейин фақат тўғри юришни ният қилган эди-ку! Ўшандаку, 6 ой "ўтиргач", амнистияга тушиб, жазодан озод бўлган эди. Энди-чи, энди унақа бўлмайди. Суд томонидан тайинланган 11 йиллик жазони ҳам ўтаб чиқарку-я, аммо қалбини тирнаётган азобдан қутулармикан?!

* * *

Эрта билан уйқудан туриб, нонушта қилган Суҳроб (исм-фамилиялар ўзгартирилган), уйда ёнбошлаганча бироз телевизор кўргач, зерикиб, кўчага йўл олди. Нима учундир ичгиси келиб, шерикчиликка таниш ахтара бошлади. Аммо иш куни бўлгани учун бўлса керак, одам анча сийрак эди. Ноилож, бир четда ўтириб, бирорта таниш келиб қолишидан умид қилганча, хаёл сура бошлади. Узоқдан таниш чеҳрани кўриб, кўнгли ёришди. Шошилмай ўрнидан туриб, унга пешвоз чикди. Камолиддин ҳам рўпарасида пайдо бўлган Суҳробни кўриб, кулимсиради.

— Ҳа, йигит, сенам уйда ўтиролмадингми?

— Топдингиз. Ўтираверіб, сиқилиб кетдим. Телевизор кўрай десам, яхшироқ нарсанинг ўзи йўқ. Яхшиям сиз келиб қолдингиз...

Икковлон у ёқ-бу ёқдан бироз гаплашиб туришгач, Суҳроб негадир ичгиси келаётганини айтиб қолди.

— Шуниям мендан сўрайсанми? Бемалол ичавер, қўлингдан ушлаб турганим йўқ-ку!

— Э-э, Камолиддин ака, бир ўзим қанақа қилиб ичаман? Сиз шерик бўлсангиз, дегандим. Кейин пул масаласида...

— Гап йўқ, ука. Сени ичинг келаётган экан, меҳмон қилганим бўлсин.

Хуллас, дўкондан икки шиша вино олиб, ташқарига чиқишди. Маҳаллаларига яқинроқ келиб, холироқ жой топишди-да, шишаларни бирин-кетин бўшатишди. Суҳроб тезда сархуш бўлиб қолди-ю, ҳаётидан нолий бошлади.

— Камолиддин ака, айтишга осон. Мана, ёшим 35 га қараб кетди. Ишимнинг тайини бўлмаса... Ҳали оила қурганим ҳам йўқ. Эртага нима бўлади, ҳайронман?!

Камолиддин унинг кўнглини кўтаришга қўлидан келганча ҳаракат қилса-да, фойдаси бўлмади. Шу пайт уларнинг ёнида Суҳробнинг келини — укаси Ботирнинг хотини пайдо бўлди-ю, гап бўлинди. Келин Камолиддинга салом бериб, Суҳробга юзланди:

— Ака, вақтингиз бўлса, бозорга бориб келсангиз. Ловия билан нон керак эди.

Суҳроб гапи бўлинганидан жаҳли чиққан бўлса ҳам, сир бой бермай, нима қилай, дегандек Камолиддинга қаради. Камолиддин розилик маъносида бош иргагач, индамай ўрнидан турди. Аёлдан пул олиб, икковлон бозорга йўл олишди. Айтилган нарсаларни харид қилишгандан кейин, бозор ёнидаги дўкондан яна бир шиша вино сотиб олишди-да, четроққа чиқиб, уни ҳам бўшатиб, уйга равона бўлишди.

Суҳроб яшайдиган уйга келишгандан кейин, келинга айтилган нарсаларни бериб, яна кўчага чиқиб ўтиришди. Кўп ўтмай уйдан Суҳробнинг укалари — Нодир билан Ботир чиқиб келишди. Балиқ овлагани боришмоқчи экан, уларни ҳам таклиф қилишди. Камолиддин рози бўлди-ю, Суҳроб уйда қолишни маъқул кўрди.

Икки соатлардан кейин балиқчилар овдан қайтишди. Суҳробларнинг уйига кириб, кечки овқатни тановул қилгач, Камолиддин улар билан хайрлашиб, чиқиб кетди. Кетма-кет ичилган вино, бозорга бориб-келиш, балиқ овидаги саргузаштлар, ҳаммаси бир бўлди-ю, Камолиддин уйига келгандан сўнг чарчаганини билиб, ётди-ю, ухлади-қолди.

Қанча ухлади, билмайди. Бир маҳал уйқу аралаш кимдир дераза орқали хонага кирганини сезгандек бўлди. Туш кўраяпман, деб ўйлаб, бунга аҳамият бермай, ёнбошига ўгирилди. Бироқ, шу заҳоти, аввалига тўнғиллаган, кейин йиғи аралаш овоз эшитилдию, чўчиб тушди. Шоша-пиша бошини кўтариб қараса, шундоққина ёнида Суҳроб ўтирволиб, алланималар, деб йиғи аралаш минғиллаяпти. Камолиддин дабдурустдан нима бўлаётганини тушунмади.

— Суҳроб, ўзингмисан? Одамни қўрқитвординг-ку! Нима бўлди, тинчликми?

— Камолиддин ака, тамом бўлдим, тамом. Энди нима қиламан, ака-а-а? — у шундай дея йиғлаб юборди. Бу гапни эшитган Камолиддин энди ростдан ҳам довдираб қолди.

— Нималар деяпсан? Нега тамом бўласан? Бундоқ одамга ўхшаб тушунтирсанг-чи?

— Нимани гапирай? Қотилга айланиб қолдим-ку, ака?! Укамни, укагинамни ўлдириб қўйдим-м-м! Энди нима қиламан?

— Нима? Қайси укангни? Нимага?

— Нодирни пичоқлаб қўйдим. Нодиржондан айрилиб қолдим, ака.

— А-а?!

Худди шу пайт эшик тақиллаб қолди. Камолиддин ўрнидан туриб, ўша ёққа юрган эди, Суҳроб дераза томон отилди. Камолиддин унга "тўхта" дейишга улгурмай, ўзини ташқарига отди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Камолиддин эшикни очса, остонада профилактика инспектори турибди.

— Суҳроб шу ердами?

— Шу ерда эди. Аммо, ҳозиргина деразадан тушиб кетди.

Инспектор шу заҳоти ташқарига югурди. У кўчага чиққанида, Суҳроб милиция ходимлари қуршовида турарди.

* * *

Ака-ука балиқ овидан қайтишганда, тўнғич ўғил Суҳроб уй олдида ўтирган эди. Улар ичкарига киришган заҳоти, овқат сузилди. Ҳаммалари бирга ўтириб, кечки овқатни тановул қилишди. Кўп ўтмай, тунги сменада ишловчи она ишга жўнади. Бу орада Ботирнинг хотини столга тарвуз билан пичоқ келтириб қўйди. Ҳаммалари телевизор кўриб ўтиришган пайтда, нима бўлди-ю, Суҳроб билан Нодир бир масалада келишолмай, тортишиб қолишди. Бундай ҳолат гоҳида бўлса ҳам юз бериб турганини учун Ботир аввалига аҳамият бермоқчи эмасди. Бироқ, бу сафар иккала акасининг ҳам кайфи борлиги унга таъсир қилиб, негадир юраги ғаш бўла бошлади. Шу сабабли, уларни ажратишга ҳаракат қилди ва бунга маълум даражада эришди ҳам. Ака-ўка худди жўжахўрозлардек бир-бирларига хезлана-хезлана, охири тинчишди. Ботир ҳам хотиржам бўлди.

Аммо, бу хотиржамлик узоққа чўзилмади. Бир маҳал яна тўполон бошланди. Бу сафар Ботир ўртага тушишга улгурмай, икки қондош бир-бирини ура кетди. Орада Нодир акасига мушт тушириб, кейин калла ҳам қўйиб қолди. Зумда Суҳробнинг бурни қонаб кетди. Ботир ҳай-ҳайлаганча уларни ажратар экан, Суҳроб қачон стол устидаги пичоқни олди-ю, қандай қилиб Нодирнинг бўйнига санчганини билмай ҳам қолди. Бир маҳал қараса, Нодир акаси бўйнидан қон оққанча, ерда чўзилиб ётибди. Бу ҳолатни кўриб, эсанкираб қолди. Дарҳол ўзини қўлга олиб, хотинини чақирди-да, сочиқ олиб келишни буюрди. Сочиқни олгач, акасининг бўйнига босиб, тез ёрдам чақиринглар, дея бақирди. Келин қўшниларникига югурди. Кўп ўтмай етиб келган тез ёрдам, вақтни ўтказмай, жароҳатланган Нодирни касалхонага олиб кетди.

Қий-чув тугаб, уйдагилар Нодирни олиб чиқиб кетишгандан кейингина бир четда ўтирган Суҳроб ўрнидан туриб даҳлизга чиқди-ю, ердаги қонни кўриб, нима иш қилиб қўйганини тушунди. Тушундию, қилмишининг нақадар даҳшатли эканлигини ҳис қилиб, эси чиқиб кетаёзди. Нима қилишни билмай, бироз ўйланиб турди-да, кейин ўзини ўлдирмоқчи бўлди. Шу мақсадда ошхонадан ошпичоқни олиб, ёнига солди-да, кўчага чиқди. Аммо, нима бўлганда ҳам, жон ширин экан. Суҳроб гарчи қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлиб, ўзини ўлдирмоқчи бўлган бўлса-да, кўчага чиққач, фикридан қайтиб, бир четга ўтирди. Қанча ўтиргани эсида йўқ, бир маҳал қараса, узоқдан онаси билан келини йиғлаб келишмоқда. Югурганча, уларнинг олдига бориб, укасининг аҳволи билан қизиқди-ю, унинг вафот этганини эшитиб, оёқ-қўли бўшашиб кетди. Бироз шу алпозда қаққайиб тургач, шартта орқасига бурилиб, Камолиддиннинг уйи томон югурди.

Келса, эшик ичкаридан қулф экан. Тақиллатиб ўтиришга сабри чидамай, ойнаси йўқ дераза орқали ичкарига кирди. Ухлаб ётган Камолиддинни кўргандан кейингина, ўпкаси тўлиб кетди. Ёнига ўтириб, йиғлаганча, дардини тўка бошлади...

* * *

Биринчи навбатда истеъмол қилинган спиртли ичимлик, шунингдек, арзимаган жанжал туфайли ака уканинг қотилига айланди. Ичкиликни биринчи ўринга қўйганимизга сабаб, таниш-билишлар ҳамда оила аъзоларининг гувоҳлик беришича, Суҳроб бировга озор бермайдиган, халқ ибораси билан айтганда эса, "қўй оғзидан чўп олмайдиган", юмшоқ феълли бўлиб, ҳаётда омади юришмаганининг аламини кўпинча ичкиликдан олган. Қизиққон, шарттаки бўлган Нодир эса, акасининг мастлигидан фойдаланиб, ҳуда-беҳудага уни турткилаб, жиғига теккан, гоҳида уришдан ҳам тоймаган экан. Тўғри, оламдан ўтган одам ҳақида ёмон фикр билдириб бўлмайди. Бироқ, надоматлар бўлсинки, Нодирнинг қизиққонлигига ичган ичкилиги қўшилди-ю, акасига қўл кўтарди. Шу кунгача бундай ҳолатларга сабр қилиб келган Суҳроб ҳам, гарчи кўнгли бўш бўлса-да, мастлик туфайли ўзини идора қилолмай қолди. Ҳа, айнан ичкилик сабабли, бири юмшоқ феълли, яна бири қизиққон икки ака-укининг орасига нифоқ тушди. Оқибатда...

Судлов ҳайъати Суҳроб Ҳайитовга жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда жиноят содир этганини эътироф этиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эса, айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, дастлабки тергов ҳамда судни чалғитмасдан, тўғри кўргазма берганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уни кечириб, енгиллик беришни сўраганлигини, жиноятнинг содир бўлиш шарт-шароитларини, яъни жабрланувчи ва гувоҳларнинг судда баён қилишларича, ҳодисанинг юз беришига марҳум Нодир Ҳайитовнинг бироз жанжалкашлиги, акасини урганлиги ҳам сабаб бўлганлигини эътиборга олди. Шунингдек, айб шакли, қотиллик сабаблари, мақсади, усули ва аҳамиятга молик бошқа жиҳатларга ҳам алоҳида аҳамият қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисми моддаси санкцияси доирасида белгиланган миқдорда жазо тайинлашни лозим топди.

Наримон ИЗМУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят прокуроринг катта ёрдамчиси

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» банки ОАЖ

Сизларни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамининг 21 йиллиги муносабати билан қутлайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади!

«МУСТАҚИЛЛИК 2012»

Сақланиш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат ёпилгандан (12 ойдан сўнг) берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Сизнинг омонатларингиз:

– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;

– маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;

– эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;

– миқдори чекланмаган.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

Тошкент шаҳар филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 15 августдаги 155к-ПО-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Математика ва информацион технологиялари, Алгоритм-инжиниринг илмий тадқиқот институтлари ҳамда "Академасбоб" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат корхонаси балансидаги тўртта бино ва иншоотлар аукцион савдоларига қўйилмоқда.

№	"Объект"ларнинг жойлашган манзили, тавсифи ва номи	Давлат активини балансида сақловчи ва унинг ихтисослиги	Бошланғич баҳоси (сўм)	Минимал закалат қиймати (сўм)
1	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги "Алгоритим-инжиниринг"илмий тадқиқот институти давлат унитар корхонаси балансидаги Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган 7 қаватли ертўлали маъмурий бино лабаратория ишлаб чиқариш биноси, алоҳида бинолар сони 2 та, умумий майдони 6 383,00м^2 ер участкасининг умумий майдони-2 600,00м^2, қурилиш ости майдони-767,50м^2.	"Алгоритим-инжиниринг"илмий тадқиқот институти. Илмий тадқиқот олиб бориш	6 169 416 246,00	1 233 883 249,20
2	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Математика ва информацион технологиялар институти балансидаги, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй манзилида жойлашган 7 қаватли ертўлали маъмурий бино лабаратория ишлаб чиқариш биноси, алоҳида бинолар сони-1та, умумий майдони-3440,00м^2, ер участкасининг умумий майдони-1 552,00м^2, қурилиш ости майдони-430,00м^2.	Математика ва информацион технологиялар институти. Илмий тадқиқот олиб бориш	3 367 093 747,00	673 418 749,40
3	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги "Академасбоб" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат корхонаси балансидаги, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ходжибоев кўчаси, 70-уй манзилида жойлашган Конструкторлик бюроси 3 қаватли биноси (механик ва чилангар цехи биноси) бино ва иншоотлар умумий майдони -4203,0м^2, ер участкасининг умумий майдони 7598,0 м^2.	"Академасбоб" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси. Илмий тадқиқот олиб бориш	1 657 550 000,00	331 510 000,00
4	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Математика ва информацион технологиялар институти балансидаги, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш лаборатория корпуси 3 та бино иншоат умумий майдони 404 м^2, умумий ер майдони 7445м^2.	Математика ва информацион технологиялар институти. Илмий тадқиқот олиб бориш	1 350 892 000,00	270 178 400,00

Аукцион савдоси 2012 йил 24 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 21 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 24 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 9,16 ва 23 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 октябрдаги савдолар учун 2012 йил 8 октябрь куни соат 18:00; 2012 йил 16 октябрдаги савдолар учун 15 октябрь куни соат 18:00; 2012 йил 23 октябрдаги савдолар учун 2012 йил 22 октябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига етишмаётган суммани тўланишни таъминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси,16а-уйнинг, бинонинг 3-қаватидаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси,16а-уй. Тел (факс) (8-371) 233-23-49. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz . Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
AGROBANK
Ҳаммаси кичикдан бошланади!

Кичик бизнес учун кредитлар
Кредит олиб ғояларингизни рўёбга чиқаринг!
www.agrobank.uz
Хизматлар лицензияланган

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан "Янги ўқув йилида таълимни сифат босқичига кўтаришнинг долзарб масалалари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда давлат идоралари ахборот хизматлари раҳбарлари, Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти, бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуман давомида Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари сўзга чиқиб, янги ўқув йилида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кийиниши борасида ҳам қатор таклифларни илгари суришди. Бу борада Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 7 июндаги "Умумий ўрта таълим мактабининг ички тартиб-қоидаларини такомиллаштириш тўғрисида"ги 177-сонли буйруғига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларида ўз ички тартиб-қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар ва устоз-мурабийларнинг кийиниши ва ташқи қиёфасига қўйиладиган талаблар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 майдаги "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 139-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низоми, шунингдек, вазирликнинг 2012 йил 13 июндаги 185-сонли буйруғи билан халқ таълими муассасасининг Васийлик кенгаши намунавий Низомининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот беришди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг жорий йил 16 майдаги 160-сонли буйруғига мувофиқ умумтаълим мактаблари ўқув дастурларига киритилган ўзгаришлар ҳақида тушунчалар бериб ўтилди. Таълим муассасаларида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кийиниш маданияти, мактаб формасининг намунаси бўйича бир қатор ҳудудларнинг илғор тажрибалари борасида мутахассислар ўз фикрини билдиришди.

Матбуот анжумани иштирокчилари учун биринчи синф ўқувчиларига бериладиган Президент совғалари, кам таъминланган оила фарзандларига бериладиган ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар, мактаб бозорлари ва ярмаркалари, 2012-2013 ўқув йилида тавсия этилган ўқув адабиётлари ва дарсликлари, мактаб формаси бўйича кўргазмалар ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

Катта ҳаёт остонасида

Муқимжон ПЎЛАТОВ,
Сўх туман прокурори

Туман прокуратураси томонидан "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги, ички ишлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандлик бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний" хайрия жамғармалари, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа мутасадди муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи ҳамда штаб ташкил этилиб, аниқ-равшан вазифалар белгилаб олинди. Ишчи гуруҳи тумандаги умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга тўлиқ қамраб олиш, таълим йўналишларини танлашларига кўмаклашиш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини яхшилаш устида ишламоқда. Шунингдек, штабда касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш борасидаги жойлардан олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, камчиликларни тузатиш учун тегишли чоралар кўрилиши йўлга қўйилди.

2011-2012 ўқув йилида туманимиздаги мактабларнинг 9-синфларини битирган 1153 нафар йигит-қизларнинг 1059 нафари вилоят ва тумандаги академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларига ҳужжатларини топширишди. 14-сонли мактаб битирувчиси З.Воҳидҳонов эса Тошкент эстрада ва цирк коллежига киришга аҳд қилди.

Айни чоғда олий ўқув юртларига киришга отланганлардан ташқари лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини танлаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш устида иш олиб борилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг 47 нафар битирувчилари олий ўқув юртларига ҳужжат топширишган бўлса, 650 нафари фермер хўжаликлари, корхона ва муассасаларда ишлай бошлашди. Битирувчиларнинг 10 нафари прокуратура ташаббуси билан ишга жойлаштирилди. Масалан, Сўх ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежи битирувчиси М.Турғунова "Ором" мактабгача таълим муассасасига тарбиячи этиб ишга қабул қилинди.

Ҳукуматимиз томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари тадбиркор сифатида иш бошлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Банклар имтиёзли кредитлар ажратишмоқда. Чунончи, 6 нафар коллеж битирувчилари ўз ишларини йўлга қўйишлари учун 16 млн. сўм кредит маблағлари билан таъминланишди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ижросини ўрганиш мобайнида лицей ва коллежларнинг 159 нафар ўқувчилари муттасил дарс қолдирганлари аниқланиб, таълим жараёнига қайтарилди. Қонунбузилишларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан 4 та тақдимнома киритилди, 16 нафар шахс маъмурий, 33 нафари интизомий жавобгарликка тортилди.

Таҳлилларда коллеж ва лицейларда ўқиётган 101 нафар қизлар турмушга чиққани аниқланиб, келгусида ўқувчи қизларни барвақт турмушга узатишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ота-оналар орасида қизларни эрта турмушга узатишнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллий телевидение орқали ушбу мавзуда 9 маротаба чиқишлар қилинди. 29 нафар дин пешволари норасмий диний фаолият билан шуғулланмаслик, норасмий никоҳ ўқимаслик хусусида расман огоҳлантирилди.

Май ойида никоҳланувчи йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёни ўрганилиб, қизларни эрта турмушга узатиш ва шаръий никоҳларга барҳам бериш мақсадида 2 та тақдимнома киритилди, 3 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Август ойининг биринчи ўн кунлигида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида бўш иш ўринларига ярмаркаси ташкил этилди. Унда 38 та корхона ва муассасалар 160 та бўш иш ўринларига таклиф билан чиқишди. Ярмаркага 300 нафарга яқин фуқаролар, шу жумладан, 217 нафар коллеж ва лицей битирувчилари ташриф буюришиб, ўзларига мақбул ишга жойлашиш имкониятидан фойдаланишди. Шу жумладан, 56 нафар битирувчилар билан ўзлари танлаган корхоналар ўртасида меҳнат шартномалари тузилди. 34 нафар битирувчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Туман прокуратураси кенг жамоатчиликка таяниб, ўсмирлар тўлақонли билим олишлари, касб-ҳунарларига мос ишга жойлашишларини таъминлаш устида ишламоқда. Зеро, балоғат ёшига тўлиб, катта ҳаёт остонасида турган ёшларни, фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз йўлларини топиб олишларига кўмаклашиш барчамизнинг бурчимиздир.

Huquq
yuridik gazeta
Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV | Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir)
Muxtor ZOIROV | o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA | Yusupboy G'OIPOV | Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)
Svetlana ORTIQOVA

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. [T] — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-5203 46 347 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O`.DEHQONOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 18.00. Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617